

# ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

1 (85) – 2020

**Бош муҳаррир:**  
Акмал САИДОВ

**Халқаро таҳрир кенгаши:**

Арслан АБАШИДЗЕ  
(Россия Федерацияси)  
Алексей АВТОНОМОВ  
(Россия Федерацияси)  
Уильям БАТЛЕР  
(АҚШ)  
Тадеуш БОДИО  
(Польша)  
Рольф КНИПЕР  
(Германия)  
Дидье МОС  
(Франция)  
Анджея ХОДУПСКИЙ  
(Польша)  
Петер ЮЗА  
(Словакия Республикаси)

**Таҳрир ҳайъати:**

Танзила НОРБОЕВА  
Қудратилла РАФИКОВ  
Убайдулла МИНГБОЕВ  
Улуғбек МУҲАММАДИЕВ

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Эркин ЭРНАЗАРОВ

**Масъул котиб:**

Севара ИШМУРАТОВА

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

Янгиланиш ва таракқиёт стратегияси ..... 2

## 2020 ЙИЛ – ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

Акмал САИДОВ. Демократик ислохотлар йўли –  
биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир ..... 4

Бахтиёр МИРБОБОЕВ. Конституция устуворлигининг таъминланиши –  
халқ фаровонлигининг кафолати ..... 17

Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ. Буюк ислохотларнинг юсак самаралари ..... 21

Нарзулла ЖЎРАЕВ. Ҳозирги даврнинг глобал муаммолари ва  
ахборот технологиялари жамияти ..... 27

## ЖАМИЯТ ВА ҲУҚУҚ

Икромжон МАШАРИПОВ. Давлат хизматларини кўрсатиш  
тизимини такомиллаштириш – фуқаролик жамиятини  
ривожлантиришнинг муҳим шарти ..... 32

Фарҳоджон БОЙМАТОВ. Ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда  
туризмнинг ўрни ва роли ..... 37

Олим ФАЙЗИЕВ. “Мурожаатлар” тушунчасига  
илмий ёндашувлар ва унинг ўзига хос белгилари ..... 39

## ИНСОН ВА ҚОНУН

Муҳаббат САЛИЕВА. Замонавий жамиятда инсон ҳуқуқлари кафолатлари ва  
оммавий коммуникациянинг аҳамияти ..... 44

Наргиза КАСИМОВА. Ўзбекистонда суд ислохотлари:  
судьялар олий мактабининг ташкил этилиши ..... 47

Мансур МУСАЕВ. Миссионерлик ва прозелитизм мафкуравий  
интервенциянинг янги қўриниши сифатида ..... 50

## ҲИСОБОТ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази – 2019 йилда ..... 54

АНЖУМАНЛАР. ТАДБИРЛАР. ТАҚДИМОТЛАР ..... 60

МУАССИС:



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ  
БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ҲАММУАССИСЛАР:



ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ



ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ  
БЎЙИЧА ВАКИЛИ  
(ОМБУДСМАН)

## ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бу йилги Олий Мажлисга Мурожаатномаси нафақат фуқароларимиз, шунингдек кўпгина нуфузли жаҳон экспертларининг ҳам яқдил фикрича, долзарб, кўламли ва очиқ бўлди. Унда мустақиллик даврида мамлакат тараққиёти, давлат стратегиясининг аниқ босқичлари, эришилган натижалар, шунингдек, фақат жорий йилгагина эмас, балки навбатдаги беш йилликка мўлжалланган режалар баён этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, **“Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз”**. Ушбу бунёдкор ислохотларнинг ташаббускори аввало жамиятнинг ўзи бўлмоқда. Натижада 2019 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари 5,6 фоизни ташкил этди, бу жаҳоннинг ана шундай ўртача кўрсаткичларидан икки баробар ортиқдир.

Саноатнинг етакчи тармоқларида модернизациялаш ва рақобатбардошликни ошириш дастурлари амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида фермерлар ва деҳқонларнинг илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг кластер тизимига ўтиш учун манфаатдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ўтган йили 93 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, бу 2018 йилга нисбатан икки баробар кўпдир. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида қишлоқлар ва шаҳар маҳалларида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлардан қўзланган энг асосий мақсад — халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун ҳамма шарт-шароитларни яратишдир. Аммо ушбу мақсадларга эришиш учун ҳали узоқ ва машаққатли

йўлни босиб ўтиш керак бўлади. Бунинг учун фан, маърифат ва инновацияларга таянган ҳолда барча соҳаларда ислохотларни жадаллаштириш талаб этилади.

Шунинг учун Президентимизнинг таклифи билан Ўзбекистонда 2020 йил — **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”** деб номланди.

2020 йилда мамлакатда биринчи марта болаларни олти ёшдан бошлаб мактабга тайёрлаш тизими жорий этилади, болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш эса 60 фоизга етади. Истеъдодли болалар учун Президент ва Ижод мактаблари, ахборот технологиялари, математика, физика, астрономия ва биология фанлари чуқур ўрганиладиган махсус мактаблар ташкил этилиши изчил давом эттирилади. Касбий таълимнинг туб жиҳатдан янги тизими жорий этилмоқда, шу мақсадда 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади. Миллий малака тизими ишлаб чиқилмоқда, бу деярли 9 мингта ихтисослик бўйича кадрлар тайёрлаш имкониятини яратади.

Мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш 2020 йилда 25 фоизга, истиқболда эса 50–60 фоизга етказилади. Олий ўқув юртларига талабаларни давлат гранти асосида қабул қилиш 2 баробарга кўпайтирилади, қизлар учун алоҳида грантлар ажратилади.

2020 йилда илм-фанни давлат томонидан молиялаштириш 4 баробар оширилади, бундан ташқари соҳага чет эл ташкилотларининг имтиёзли кредитлари, шунингдек хусусий секторнинг маблағларини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Математика ва кимё, биология каби соҳаларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенг ривожлантириш чоралари ҳам кўрилмоқда.

2020 йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда туб жиҳатдан бурилиш ясаш вазифаси қўйилган. Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, танспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив иши соҳаларини тўла рақамлаштириш белгиланган.

Халқ турмуш даражасини тубдан яхшилаш бўйича кенг кўламли ижтимоий ислохотлар давом эттирилади. Бу кейинги 3 йил давомида “Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида амалга оширилади.

Президент Мурожаатномасида, **“... фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”**, деб таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу йил бўлиб ўтадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд анжумани ёшлар ҳуқуқларига бағишланади ва унда ушбу Конвенциянинг лойиҳасини муҳокама қилиш мўлжалланган.

Мурожаатномага мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоат муҳокамасига тақдим этилди.

Фармон лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ўз ифодасини топган.

Шунингдек, 2020 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг аҳолининг муаммоларини ҳал этишдаги иштироки оширилади. Шу мақсадда нодавлат нотижорат ташкилотларининг республика ва минтақавий давлат органлари, вазирликлар ва идоралар билан ижтимоий шериклиги кучайтирилади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлашиш шарт бўлади. Бундай қарорлар фақат жамоатчилик томонидан маъқуллангандагина қабул қилинади.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат билан жамият ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик палатасини ташкил этиш режаланган. Парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун ушбу масала бўйича парламент ва жамоатчилик эшителилари ўтказилади.

---

2020 йил – ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ — БИЗ УЧУН ЯККАЮ ЯГОНА ВА ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛДИР

Акмал САИДОВ\*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда  
Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатасига тақдим этган навбатдаги  
Мурожаатномасида «Демократик ислохотлар йўли — биз учун яккаю ягона ва  
энг тўғри йўлдир» деб таъкидлади.*

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида шу муносабат билан бўлиб ўтган нуфузли анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, илмий ва дипломатик доиралар, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

### **Президент Мурожаатномаси: дунё тажрибаси ва миллий амалиёт**

*Давлат бошлигининг парламентга Мурожаатномаси – дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир.*

**Биринчидан**, Мурожаатномада Президентнинг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуктаи назари баён қилинади.

**Иккинчидан**, Мурожаатнома сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий қоидалар билан бир қаторда, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли аниқ таклифларни ҳам ўзида акс эттиради.

**Учинчидан**, Президентнинг парламентга Мурожаатномаси жаҳон конституциявий амалиётида ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институтдир.

Жаҳон парламентаризми амалиётига кўра, бундай мурожаатномаларда, бир томондан, Президент якунига етган йилда давлат ҳокимияти органлари эришган ютуқ ва натижалар ҳақида ҳисобот беради. Иккинчи томондан эса, мамлакат раҳбари янги кириб келаётган йилда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар, яъни амалиёт дастурини тақдим этади.

Дунё миқёсида олиб қаралганда, давлат бошлиғи томонидан парламентга Мурожаатнома тақдим этилиши тарихи олис XIII асрга бориб тақалади. Шу тариқа 800 йилдан ортиқ тарихга эга ушбу давлат-ҳуқуқ анъанасига **Буюк Британия Қироли (Қироличаси)нинг парламент ҳузурида шоҳона нутқ сўзлаши** – “King’s/Queen’s speech” тантанаси илк намуна вазифасини ўтаган.

Шундан бери Буюк Британия парламентининг ҳар галги янги сессияси Қирол ёки Қироличанинг ана шундай “шоҳона нутқи” билан бошланиши ҳуқуқий одатга айланган. Бундай нутқ, одатда, парламентнинг яқин келажакдаги қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан Ҳукумат тавсия этган дастур ҳисобланади. Бу дастурнинг парламент томонидан тасдиқланиши амалдаги Ҳукуматга ишонч вотуми билдирилгани билан тенгдир.

Америка Қўшма Штатларида ҳам Президентнинг Конгресс ҳузурида ҳар йили Мурожаатнома билан чиқиши анъанаси мавжуд. Бу анъанага 1790 йили, яъни бундан 217 йил илгари АҚШнинг би-

---

\* Акмал Саидов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик.

ринчи Президенти **Жорж Вашингтон** ўзининг Нью-Йоркда, парламент минбаридан сўзлаган ба-тафсил нутқи билан асос солган.

Шу ўринда Қўшма Штатларда бу ҳуқуқий анъанага зид ҳолатлар юз берганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, 1801 йилда ўша пайтдаги АҚШ Президенти **Томас Жефферсон** демократик республикага бундай “монархча удумлар” мос келмайди, дея ҳисоблаган ва ўз Мурожаатномасини Конгрессга мактуб шаклида йўллаган.

Мактуб шаклидаги Мурожаатнома йўллаш анъанаси юз йилдан зиёд давом этгач, 1913 йилда Президент **Вудро Вильсон** ташаббуси асосида Конгрессга Мурожаатнома билан нутқ сўзлаш амалиёти қайта тикланган. Албатта, XX асрнинг иккинчи ярмига қадар ҳам АҚШда айрим Президентлар Конгрессга ўз Мурожаатларини баъзан ёзма равишда юбориб турган. **Жимми Картер** аини шундай йўл тутган охириги Президент ҳисобланади.

Ўша даврда АҚШда бу Мурожаатномалар “**Президентнинг Конгрессга йиллик мурожаати**”, деган ном билан юритилган. **Франклин Рузвельт** 1935 йили жорий этган ўзгартиришлар асосида АҚШ Президентининг Конгресс ҳузурида сўзлайдиган ҳар йилги нутқи эндиликда “**Мамлакатдаги ҳолат тўғрисида**” (State of the Union Adress), деб номланади.

АҚШ Президентининг Конгрессга ҳар йилги Мурожаатномаси қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга.

**Биринчиси. Президент, одатда, қачон парламент ҳузурида Мурожаатнома билан нутқ сўзлайди?**

Бу борадаги АҚШ амалиётига кўра, даставвал, Қўшма Штатлар Президенти Конгресс ҳузурида декабрь ойида Мурожаатнома билан чиқиш қилган. Аммо, 1933 йили АҚШ Конституциясига киритилган 20-қўшимча асосида Конгресснинг ҳар йилги иш бошлаш даври март ойидан январга кўчирилгани муносабати билан мазкур муҳим расмий тадбир январь ёки февраль ойида ўтказиладиган бўлган.

Ҳозирги кунда АҚШ Президенти, қоидага кўра, ҳар йили январь ойининг охириги сешанбасида – янги сайланган Президент эса февраль ойининг якунида – Конгресс ҳузурида Мурожаатнома билан чиқиш қилади. Аини чоғда, аниқ белгиланган регламентнинг мавжуд эмаслиги туфайли бу муддат ўзгариб ҳам туради. Масалан, АҚШ Президентининг 2008 йилдаги Мурожаатномаси ян-

варнинг охириги душанбасида тақдим этилган эди.

**Иккинчиси. Давлат раҳбари айнан қасерда Мурожаатнома билан нутқ сўзлайди?**

Буюк Британия тажрибасига қараганда, Ки-роличанинг нутқи Ҳукмдор томонидан мамлакат парламенти биносида, янги сессиянинг расмий очилиш маросимида ўқиб эшиттирилади. АҚШда ҳам бу расмий тадбир парламентнинг Вакиллар палатаси биносида бўлиб ўтади. Бунда Президент одатда Спикернинг минбаридан туриб нутқ сўзлайди.

**Учинчиси. Президент кимларнинг олдида Мурожаатномасини тақдим этади?**

АҚШда Президент парламент палаталарининг қўшма мажлисида Мурожаатнома билан чиқиш қилади. Бу тадбирда Вакиллар палатасининг 435 нафар депутати ва юқори палатанинг 100 нафар сенатори иштирок этади. Президент Мурожаатномасининг парламент палаталари қўшма мажлисида тингланиши – ушбу расмий давлат-ҳуқуқий тадбирининг мамлакат ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Президент Мурожаатномаси тақдим этилади-ган қўшма мажлисда, шунингдек, АҚШ Олий суди судьялари, вазирлар, Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитасининг аъзолари ҳозир бўлади.

**Тўртинчиси. Президент Мурожаатномасини оммавий ахборот воситаларида ёритиш борасида қандай тажриба тўпланган?**

Бу саволга жавоб бериш учун яна АҚШ амалиётига таянамиз. Президент **Жон Куионинг** 1923 йилги Мурожаатномаси жаҳонда илк бор радио тўлқинлари ёрдамида тарқатилган шундай муҳим ҳужжатдир. **Гарри Трумэн**нинг 1947 йилги нутқи эса биринчи марта телевизорда намоиш этилган Президент Мурожаатномаси ҳисобланади.

Ўз навбатида, 1965 йили АҚШ Президенти **Линдон Жонсон** куннинг кечки қисмида Мурожаатнома билан Конгрессда нутқ сўзлаган. Ҳозирги вақтгача кучда бўлган бу амалиётдан кўзланган мақсад, албатта, Президент Мурожаатномаси мазмунидан имкон қадар кўпроқ кишиларни оммавий ахборот воситалари орқали бевосита хабардор қилишдан иборат. **Билл Клинтон**нинг 1997 йилда Конгрессда сўзлаган нутқи илк маротаба Интернет тармоғи орқали эълон қилинган Мурожаатномадир.

Бугунги кунда АҚШ Президентининг Мурожаатномаси телевидение орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади ва Оқ уй маъмуриятининг махсус сайтида (<http://www.whitehouse.gov>) онлайн



режимда узатилади. Шу билан бирга, Мурожаатноманинг тўлиқ матни ҳам ўша сайтда эълон қилинади.

АҚШнинг бу соҳадаги ҳуқуқий амалиётидан қўпроқ мисоллар келтираётганимизнинг сабаби шундаки, Қўшма Штатлар айни йўналишда катта ижобий тажриба тўплаган. Бинобарин, Америка Конституцияси Президентга ҳам, Конгрессга ҳам бир-бирини ҳисобга олмаган ҳолда ўта муҳим қарорларни қабул қилишига ва мамлакатни бошқаришига йўл бермайди. Бунда уларнинг ўзаро келишув, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, яъни конституциявий “ўзаро бир-бирини тийиб туриш” принципи асосида иш олиб бориши талаб этилади.

**АҚШ Конституциясининг II моддаси, 3-бўлимига мувофиқ, Президент вақти-вақти билан иттифоқ ахволи тўғрисида Конгрессга ҳисобот бериб туради ҳамда ўзи зарур ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган чора-тадбирларни кўриб чиқиш учун Сенатга тақдим этади.** Америкаликларнинг бу давлат-ҳуқуқий тажрибаси кейинги даврда бошқа давлатларда ҳам кенг омалашмоқда.

**Россия Федерацияси Президенти ҳар йили Федерал Мажлис ҳузурида Мурожаатнома билан чиқиш қилади.** Бу ҳақда сўз борганда, собиқ совет иттифоқи сиёсий ҳаётида, СССР Президенти лавозими таъсис этилгунига қадар, парламентга Мурожаатнома тақдим этиш амалиёти умуман мавжуд бўлмаганини қайд этиш лозим.

Бундай ҳолат, ҳойнаҳой, советлар сиёсий-ҳуқуқий амалиёти ҳокимият ваколатларининг бўлиниши назариясини тан олмаганлиги билан боғлиқ. СССР Президенти институти жорий этилгач, Конституцияга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлишига қарамай, ушбу лавозимни қисқа фурсат эгаллаб турган М.Горбачёв айни нормаларни амалиётда тўлақонли қўллаб улгурмаган.

Россияда давлат бошлиғининг қонун чиқарувчи олий органга Мурожаатнома билан чиқишига доир норма илк бор 1991 йил 24 апрелда қабул қилинган “РСФСР Президенти тўғрисида”ги қонунда (5-модданинг 3-банди) ўз аксини топган бўлса-да, 1993 йили амалдаги Россия Конституцияси кучга кирганидан кейин мазкур амалиёт ҳар йилги анъана тусини олди. Россия Президенти Б.Ельцин Федерал Мажлисга биринчи Мурожаатномасини 1994 йил 24 февралда тақдим этган.

Ҳозирги вақтда давлат бошлиғининг парламентга Мурожаатнома тақдим этиши институти

бир пайтлар собиқ иттифоқ таркибида бўлган ва бугун мустақил тараққиёт йўлидан бораётган қатор мамлакатларда амал қилмоқда. Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон шулар сирасига киради. Ушбу давлатлар сафига энди Ўзбекистон ҳам қўшилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги учинчи Мурожаатномасини тақдим этган нуфузли мажлис Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 4 та телерадиоканали, 5 та телеканаллари ҳамда 12 та ҳудудий телерадиокомпания, шунингдек, 5 та нодавлат телеканал ҳамда Президентнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, интернетдаги тегишли сайтлар орқали тўғридан-тўғри намоиш қилинди. Аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш мақсадида Мурожаатнома сурдо таржима билан, шунингдек, рус ва инглиз тилидаги таржималари билан эфирга узатилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда қисқа муддат – атиги 3 йил ичида давлат бошлиғининг парламентга Мурожаатнома тақдим этиш амалиёти энг илғор халқаро тажрибаларга хос ва мос равишда йўлга қўйилганидан далолатдир.

### **Учинчи Мурожаатноманинг алоҳида хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

**Биринчи хусусияти:** ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеанинг аввалгиларидан фарқли жиҳати шундаки, мамлакатимиз раҳбари бу галги Мурожаатномани миллий парламентнинг янгиланган таркибига тақдим этди. Қўшма мажлисда олдинги қаҳир депутатлари ҳам қатнашди.

**Иккинчи хусусияти:** Мурожаатномада даставвал 2019 йил 22 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар ҳақида сўз борди.

Президентимиз мамлакат тарихида илк бор қабул қилинган Сайлов кодекси асосида, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган бу муҳим сиёсий тадбир жараёнларини холис, ҳаққоний баҳолаб, фуқаролик жамияти куриш йўлида берган тавсиялари учун халқаро кузатувчиларга бутун халқимиз номидан миннатдорлик бил-

дирди. Нуфузли халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсияларидан кейинги сайловларда албатта фойдаланамиз, деди давлатимиз раҳбари.

**Учинчи хусусияти:** Мурожаатномада 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” якунлари сарҳисоб қилинди. Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича кейинги уч йил давомида амалга оширилган асосий ишлар ҳақида ҳам атрафлича сўз юритилди.

Бунга қадар биринчи Мурожаатномада 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, Иккинчи Мурожаатномада эса 2018 йил – «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» якунлари чуқур таҳлил қилинган.

**Тўртинчи хусусияти:** мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб олинди.

Бунгача Мурожаатномада Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосан яқин бир йиллик энг муҳим вазифаларини белгилаш амалиёти қўлланилган.

Шундай қилиб, дунё тажрибаси билан киёслганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатнома тақдим этиши тимсолидаги мазкур сиёсий-ҳуқуқий тадбир бу борадаги энг илғор хорижий амалиётга нафақат мос ва мутаносиб, балки намуна бўладиган яхши анъанага айланди, дейишга барча асосларимиз бор.

### Халқаро эътироф-2019: Ўзбекистон – Йил мамлакати

Мурожаатномада қайд этилганидек, ўтган йили мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида ижобий натижалар қўлга киритилди. Инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишлар давом этмоқда. Соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга, барча имкониятлар сафарбар этилаяпти. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 минг нафарга кўпайди.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади. Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингга ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингиде Ўзбекистон 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгаллади ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олди.

Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

Ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга

мухтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа микдори 2 баробар кўпайтирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда, хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ жойларида 17 минг 100 та, шаҳарларда 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтож 5 мингта оилага, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – “Экономист” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат – “Йил мамлакати” деб эътироф этди.

### 2020 йил – “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”

Кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизимининг барча бўғинларини ислох қилишга киришилди. Хусусан, 2019 йилда мутлақо янги мазмун ва шаклда 4 та Президент мактаби, 3 та ижод мактаби иш бошлади.

Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университет филиаллари очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан икки баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

“Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва тўғри йўлдан адашиш бўлади. Илм-маърифат ва юксак маърифат керак. Шарқ донишмандлари айтгани-

дек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”.

Таълимда қилган хатоларимизни тўғрилаш вақти келди,” – деди Президент Шавкат Мирзиёев. Шу сабабли, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Ўзбекистон “Халқаро ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси” бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали бу борада жуда ям ортдамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ экани ҳам очиқ ва аччиқ ҳақиқатдир.

Албатта, “рақамли иқтисодиёт”ни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, эртага жуда кеч бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни ҳам камайтиради. Шу билан бирга, энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам у самарали воситадир.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Президентимиз таклифига мувофиқ, юртимизда 2020 йилга “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном берилди. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтаришдир.

Давлатимиз раҳбари таълим сифатини халқаро талаблар даражасига кўтариш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини қайд этди.

Республикаимизда 348 та таянч мактаби белгиланиши, 6000 дан зиёд ўқитувчининг халқаро



микёсда малака ошириши таъминланиши ай-тиб ўтилди. Шунингдек, мамлакатимизда 340 та касб-хунар мактаблари, 200 дан ортиқ ихтисослашган умумтаълим мактаблари фаолияти йўлга қўйилиши тизимни ривожлантиришга бевосита хизмат қилади.

Мурожаатномада олий таълим тизимида ҳам келажақда катта ўзгаришлар рўй беришига эътибор қаратилди. Мамлакатимизда ёшларни олий таълимга қамраб олиш 2020 йилда 25 фоизга, яқин келажақда эса 50-60 фоизга оширилади.

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга, юқори маош тўлаш тизими жорий этилади. Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкларлари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактабни белгилаб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчиларнинг малакаси оширилади. Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-хунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида **Миллий малака тизими** ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Энг муҳими, олий таълимга қамраб олиш тўлов-контракт масаласига боғлиқ бўлиб қолиши керак эмас, дея алоҳида таъкидлади Президентимиз.

Таълим соҳасида грантлар икки баробарга кўпайтирилади. Қизлар учун алоҳида грантлар ажратилади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқади. Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари оптималлаштирилади.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратмоқ зарур. Мисол учун, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Бу фандан ёшлар истал-

ган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳномалар олса, ўқишга қайтаётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади. Таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки баробар қисқартирилади.

Таҳлил қилганимизда олий таълимда мутахассисликка алоқадор бўлмаган фанлар 30 фоизни ташкил қилади. Бу эса ёшларнинг ортиқча вақтини олади. Олий таълимда ўқув жараёнларини кредит модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади, деди Президент.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда 13 минг 500 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари 2019 йил Мактабгача таълим вазирлиги тизимга болалар қамровини 2018 йилдаги 38 фоиздан 52 фоизга етгани, биргина ўтган йилда 5 минг 522 та давлат, хусусий ва оилавий мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилганини эътироф этди. 2020 йилда бу кўрсаткични 60 фоизга етказиш, бунинг учун 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиши таъкидланди.

Жорий йилдан бошлаб тарихда илк бор 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлаш тизими жорий этилади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилади.

Бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади. 2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилади, 216 таси капитал таъмирланади, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади. Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади.

Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича, ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади. Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттирамиз. Олий ўқув юртларига босқич-ма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади.

Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим даргоҳини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда, уларни трансформация қилишни бошлаймиз. Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак.

Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бирйўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун, биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни фаоллаштириб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини, тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

Жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади. Келгусида, грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш лозим.

Бу йил “рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак. Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим.

Шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.

Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган “АйТи-парк” барпо этилмоқда. У ҳозирданок, ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай “АйТи-парк”лар – Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

Зеро, электронлашув замонавий дунёда, жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин тутаётган муҳим жараёндир. Бунда илмий изланишларни кучайтириш, халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликни йўл-

га қўйиш мақсадга мувофиқ. Илм-фанга эътибор эса юртимизда туб бурилиш қилишимизга имкон беради. 2020 йилда транспорт, геология, таълим, архив каби соҳалар тўлиқ рақамлаштирилади.

Соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Шунингдек, таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган, ахборот технологиялари жорий этилиши шарт.

Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор интернет билан таъминлашимиз керак. Ҳозиргача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор интернетга уланади.

**“Ёш болаларни кўриб ҳавасингиз келади, уларга бугун биз шароит яратмасак, бошқа давлат яратиб беради. Улар албатта бошқа давлатга кетиб бошлаган ва буни тўхтатишимиз керак ва билимли ёшларимизга шароитлар яратишимиз шарт. Соҳа учун хорижий ҳамкорларимиз билан бирга бир миллион, бир минг эмас, шунини алоҳида айтаман, бир миллион дастурчи тайёрланади. 3-4 йилда катта натижа бўлади. Улар соҳаларга киради. Истаймизми йўқми, ислохотларни тезлаштиришга туртки бўлади”,** деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун ташаббускор бўлиб майдонга чиқадиган янги авлод кадрларни тарбиялаш зарур. Стратегик фикр юритадиган малакали кадрлар керак. Шунинг учун боғчадан бошлаб таълимнинг барча бўғинларида таълим сифатини ошириш даркор.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг савиясини ошириш лозим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бизга илм-маърифат ва юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

### **Сайловлар Ўзбекистоннинг халқаро имижини кўтарди**

Президентимиз таъбири билан айтганда, сайловлар халқимиз учун синов ва халқаро ҳамжамият олдида катта сиёсий имтиҳон бўлди.

Бу фикрнинг тасдиғи сифатида ҳаётий бир мисол келтирмоқчимиз.

Гап шундаки, ўзининг 25 йиллик фаолияти давомида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси томонидан ЕХХТга аъзо 50 дан ортиқ давлатда қарийб 400 марта Президент, парламент ва маҳаллий органлар сайловларининг мониторинги ўтказилган.

Ўзбекистонда кейинги 20 йил мобайнида ЕХХТ томонидан 8 маротаба сайловлар мониторинги амалга оширилган. Шундан 3 таси Президент сайлови ва 5 таси парламент сайловларига тааллуқлидир.

Энг муҳими, яқинда бўлиб ўтган мамлакатимиз парламенти сайловларида илк бор ЕХХТнинг тўлақонли миссияси томонидан кузатув амалга оширилди ва МДХга аъзо давлатларда ўтказилган сайловлар ичида энг юқори баҳоланди. Бошқача айтганда, ушбу **сайловлар дунёга янги Ўзбекистонни намоён этди.**

Янги Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтган ушбу сайловлар биз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Мамлакат ичида: халқимиз ислохотларимизга ўз муносабатини билдирди. Халқаро микёсда жаҳон ҳамжамияти янги Ўзбекистонга юқори ижобий баҳо берди.

Сайловлар Ўзбекистоннинг халқаро имижини кўтарди. Жаҳон аро дўсту ҳамкорларимиз олдида обрў-эътиборимиз янада юксалди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, **халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди.** Сайлов натижалари, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг орзу-интилишларини ифода этиб, улар учун янги имкониятлар очиб беришга қаратилгани билан биз учун жуда муҳимдир.

**Сайловларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – гендер масаласи билан боғлиқ.** Яъни, илк маротаба Ўзбекистон парламентида аёллар сони бўйича БМТ тавсиялари (камида 30 фоиз) тўлиқ бажарилди.

Қонунчилик палатасига 32 фоиз аёл-депутатлар сайлангани, ўз навбатида, дунёдаги 190 парламент ичида Ўзбекистон парламентининг 44-ўринга кўтарилишини таъминлади. Бундан атиги беш йил илгари, 2014 йилда бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 128-ўринда эди.

Ёшлар масаласи, чиндан ҳам, янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Қонунчилик палатасига 30 ёшгача бўлган 9 нафар депутат (6 фоиз) сайлангани ҳам бунинг ёрқин

тасдиғидир. Шундай қилиб, бугун парламентимиз қуйи палатаси таркибининг 6 фозини ёшлар ташкил этмоқда. Жаҳон микёсида бу кўрсаткич атиги 2 фоизга етади, холос.

Биргина шу рақамларнинг ўзи ҳам юртимиз аёллари жамиятда ўзларининг ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганидан далолат беради. Бинобарин, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш Ўзбекистон Президентини олиб бораётган адолатли сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Мурожаатномада таъкидланишича, 2020 йилда 5,5 минг хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳаларига 100 миллиард сўм микдорида имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратилади. Бундан ташқари, 1 минг 576 хотин-қизга янги уй-жойга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингиллари-мизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади, деди давлатимиз раҳбари.

Мурожаатномада, шунингдек, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолашнинг миллий индексини жорий этиш кераклиги қайд этилди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жорий йилда хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бора-сидаги ишлар янги поғонага кўтарилганини яна бир бор тасдиқлайди.

### **“Ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак”**

Маълумки, 2019 йил сентябрда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси **Диего Гарсия-Саян** юртимизда расмий ташриф билан бўлди. Ўшанда Диего Гарсия-Саян дастлабки тавсияларини берди.

Ушбу тавсиялар судьяларни сайлаш ва тайинлаш; судьяларнинг лавозимида ишлаб қолишини кафолатлаш; судьяларни профессионал асосда тайёрлаш; суд раисларини тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколатлари қўламини қайта кўриб чиқиш; судьяларга интизомий чора кўриш тар-

тиб-таомилларини мукамаллаштириш; Олий суд кенгаши аъзоларини сайлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш; прокуратура тизими ваколатларини қисқартириш; адвокатлар сонини ошириш ва ёш ҳуқуқшуносларни ушбу касбга қизиқтириш учун тарғибот ишларини кучайтириш истиқболлари билан боғлиқ.

Мурожаатномада судлар томонидан ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганига доир рақамлар баён этилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар, айбловдан чиқарилган ва ўзгартирилган.

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди, деди давлатимиз раҳбари. Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан қақриб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим.

Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина, прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин. Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш керак.

Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак, деди Президентимиз.

Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Жумладан, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган, минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал қилиш бўйича, ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди.

Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Президентимизнинг

таъкидлашича, бу орқали 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ, узоқ йиллардан буён ечилмай келаётган муаммолари ҳал этилади.

### Ўзбекистоннинг 3 йилда – 30 та халқаро ташаббуси

Президентимиз парламентнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш истиқболлари хусусида атрофлича тўхталди. Аввало, парламентимиз Ўзбекистон Президентининг халқаро ташаббусларини амалга оширишда фаол иштирок этиши керак.

Давлатимиз раҳбари сўнгги уч йилда турли нуфузли халқаро ташкилотларда қарийб 30 та ташаббус билан чиқди. Жумладан, Президентимиз БМТ даражасида илгари сурган 7 та ташаббус бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари қабул қилинди.

ШХТ доирасида Ўзбекистон Президентининг 8 та халқаро ташаббуси амалга оширилди. Худди шундай 10 дан зиёд муҳим ташаббуслар ЮНЕСКО, МДХ, ИХТ, ТУРКСОЙ, Марказий Осиё минтақаси миқёсида илгари сурилди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг қўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат курсини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва қўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.

Бу борада Мурожаатномада қуйидаги устувор жиҳатларга эътибор қаратилди.

**Биринчидан**, Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

**Иккинчидан**, Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

**Учинчидан**, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доираси-



да, кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни давом эттиришимиз зарур.

Орол муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тузилган Орол денгизи минтақасида инсон ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фондига катта ишонч билан қараймиз.

**Тўртинчидан,** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаолиятимиз самарасини янада оширишимиз зарур. Ўзбекистоннинг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиши биз учун тарихий аҳамиятга эга.

Биз Ҳамдўстликда савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва аъзо давлатлар ўртасида гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун барча салоҳият ва имкониятларни ишга соламиз, деди давлатимиз раҳбари.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади. Бундан ташқари, жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан олий даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирлар ўтказилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан илгари сурилган муҳим халқаро ташаббус – **БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини** ишлаб чиқиш жараёнларида парламентимиз ҳам фаол бўлиши керак. Бу янги халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга хизмат қилиши билан жуда муҳимдир.

Жорий йилда ташкил этиладиган **Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми** ҳам айнан ёшлар ҳуқуқларига бағишланиши бежиз эмас. Маълумки, 2018 йили қадимий ва навқирон Самарқандимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича илк Осиё форуми ташкил этилганлиги халқаро жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига илк бора сайланиш учун

номзодини кўрсатган. Жорий йилнинг кузида бўладиган ушбу сайловда ёруғ юз билан қўйилган натижага эришишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Давлатимиз раҳбари бу борада барча чораларни кўриш учун зарур топшириқлар берди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни ҳам тезлаштириш кераклигига эътибор қаратилди.

### **Парламент – халқ иродасининг ҳақиқий кўзгуси**

Президентимиз парламентга Мурожаатнома тақдим этишидан олдин янги сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларида, шунингдек, ҳар икки палатанинг илк қўшма йиғилишида иштирок этди ҳамда нутқ сўзлади. Бу жараёнларда парламент палаталарининг раҳбарияти тасдиқланди, қўмиталар ва комиссиялар тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти янги Ўзбекистоннинг янги сайловлар асосида сайланган янги парламенти таркибини ана шу улуғвор ғояни амалда намоён этишга чақирди. «Эл-юртимиз сизларга ҳақли равишда катта умид ва ишонч билан қарамокда», деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимиз парламент аъзолари билан кейинги уч йил ичида 11 марта учрашганини алоҳида таъкидлаш лозим. Давлат раҳбари бу мулоқотларда ҳар гал парламент ва сиёсий партиялар ролини оширишга, давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилишга, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият бермоқда.

Ўзбекистон Президентининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари билан навбатдаги учашуви бу борада янги, тарихан юксак босқичга асос солди. Давлат раҳбари давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги кўплаб долзарб муаммоларни кўтарди. Мавжуд камчиликларни очик ва аччиқ танқид қилди, истикболдаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Давлат раҳбари томонидан **“Янги Ўзбекистон – янги сайловлар – янги парламент”** деган устувор ғоя долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Янги Ўзбекистонда вазият тубдан ўзгарган бугунги даврда, яъни **янгиланган Ўзбекистон шароитида янги парламент қандай бўлиши керак?**



Аввало, **янги сайланган, ўзгарган депутатларни одамлар сезиши лозим.** Янги парламентнинг янгича фаолиятини халқ сезсин ва муносиб баҳоласин.

Бу, ўз навбатида, янги парламентдан ўрин олган сиёсий партиялар ва уларнинг вакиллари сайловолди дастурлари ва ваъдаларини нечоғлик бажаришларига боғлиқ. Содда қилиб айтганда, **янги парламент аҳолининг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши лозим.**

Аҳоли эса эндиликда сиёсий мудроқликдан уйғонди ва бу ўзига хос сиёсий уйғониш бўлди. Кейинги бир неча йил ичида одамларнинг сиёсий савияси ўсди, дунёқараши ўзгармоқда.

Шундай экан, онгли равишда фаолият юритадиган депутатлар янги парламентнинг юзини кўрсата билишлари керак. **Депутатлик маъсулияти** дегани ҳам шу, аслида.

Янгидан шаклланган парламентимиз аъзоларининг аксариятини илк бор депутат бўлиб сайланган шижоатли инсонлар, ўз ишининг усталари ташкил этади. Лекин уларнинг барчаси бугунда-ноқ қонун ёзишга қодир, деб айтолмаймиз.

Албатта, ушбу ҳамкасбларимиздан ҳар бири ўз соҳасининг юксак иқтидорли мутахассиси эканига шубҳа йўқ. Аммо жуда қисқа муддатларда улар ўзларининг қонун ижодкорлиги, қонун техникаси ва парламентнинг бошқа фаолиятига тааллуқли соҳалардаги билим ва кўникмаларини ошириб улгуришлари тақозо этилади.

Шу маънода, Президентимиз томонидан Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда депутатларнинг малакасини доимий ошириб бориш юзасидан янгича тизим – **депутатлик ўқувларини жорий этиш таклиф қилингани** айни муддаодир.

Бизнинг муаммоларимизни ҳеч ким ташқаридан келиб ҳал қилиб бермайди. Депутатлар бефарқ бўлмасликлари керак. Янги парламентнинг самарали фаолияти депутатларнинг савияси ва профессионалигига боғлиқ. Ислохотлар натижасига депутатлар ҳам маъсул ва жавобгардир. **Депутатлик – бу буюк маъсулият ва жавобгарликдир.**

Оддий одамларнинг овозини олиб, сайланган депутат шу оддий одамларнинг дарду ташвиши билан яшаши шарт. Одамларни қандай қилиб рози қилиш мумкин? Албатта, халқ билан қанча кўп учрашилса, мулоқот қилинса, шунча кам хато қиламиз ва кўп натижага эришамиз.

Мурожаатномада баён этилганидек, Прези-

дентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига ўтган йилда бир миллиондан зиёд мурожаат тушган. Ана шу мурожаатлар одамларни қандай муаммо ва ташвишлар қийнаётгани ҳақида хулоса чиқаришга имкон бермоқда.

Президентимиз бундан буён мурожаатлар таҳлили асосида амалий ишлар олиб борилишини қайд этди. Бу каби вазифаларни бажариш барча давлат органлари, айниқса сенатор ва депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

**Янги парламент – халқпарвар парламент бўлиши керак. Халқ вакиллари фаолият олиб борадиган парламент – аслида, Халқ уйидир.**

Ҳозирги кунда парламент қонунчилик фаолияти замон талабларига тўла жавоб беради дея олмаймиз. Ишлаб чиқаётган қонунларимиз аниқ бир соҳадаги айрим вазифаларнигина ҳал қилишга хизмат қилади. Улар ҳали комплекс характерга эга ёки кодификациялашган эмас. Бу борада қиладиган ишларимиз талай.

Қонун ижодкорлигимиз ҳозирги ислохотлар шиддати ва суръатларидан анча ортда қолмоқда. Ваҳоланки, қонун ижодкорлиги ислохотлардан сал бўлса ҳам илгарироқ юриши керак.

Бу борада биз ҳали ислохотлардан илгарилаш у ёқда турсин, жамият ва давлат ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг қонуний асосларини ҳаёт, замонамиз ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб таъминлаб боришга ҳам тўла эришганимиз йўқ.

Айниқса, яқинда бўлиб ўтган сайловлар олдимида парламентаризмни ва кўппартиявий тизимни янада мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, халқимизнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш борасида ҳали талайгина вазифалар турганини кўрсатди. ННТ ва сиёсий партияларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қонун ҳужжатларини ҳам кодификациялаш лозим.

Мурожаатномада алоҳида таъкидланганидек, янги Парламент ва Ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади – Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.

**“Шу муносабат билан депутатларимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиман. Сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича, аниқ дастур ва “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда уни мутасадди идоралар билан**

ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур”, деди Президентимиз.

### **“Парламент дипломатияси” – муҳим имкониятдир**

Янги парламент Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишга ўз ҳиссасини қўшиши даркор. Айниқса, “Демократия индекси”, «Қонун устуворлиги индекси», «Коррупцияни назорат қилиш индекси»да янги Ўзбекистон ўзининг намуна бўлгулик сифатларини намоён этиши зарур.

Кейинги даврда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш бўйича Президентимизнинг 12 та фармон ва қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар бу борада муайян ижобий ўзгаришларга эришишимиз учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Хусусан, мамлакатимиз «Бизнес юритиш индекси»да 100 поғонадан кўпроқ юқорилади ва ҳозир 69-ўринда турибди. Шунингдек, Ўзбекистон кейинги даврда “Иқтисодий эркинлик индекси”да 26 поғонага, “Логистика самарадорлиги индекси”да эса 19 поғонага кўтарилди.

Яқин орада «Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик индекси», «Жаҳон матбуоти эркинлиги индекси» каби халқаро рейтингларда кўрсаткичларимизни бутунлай янгилашимиз тақозо этилади.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва ижтимоий рейтинглар, сиёсий муҳитни аниқлашга оид индекслардаги ўрнини яхшилаб боришда – бу “дуинг бизнес” бўладими, инвестиция муҳитига оид бўладими, инсон ҳуқуқлари ёки матбуот ва сўз эркинлиги соҳасида, “инновацион ривожланишга тайёрлик”га тегишли бўладими ва ҳоказо – ушбу жараёнларда нафақат ижро ҳокимияти, балки вакиллик ҳокимиятининг ҳам аҳамияти юксакдир.

Парламентнинг ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий сиёсат борасидаги фаолиятини, унинг устувор йўналишларини аниқлаш, нуфузли халқаро ташкилотларда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларини самарали амалга ошириш талаб этилади.

Хусусан, минтақамизда яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар соҳаларга инвестициялар жалб этиш каби йўналишларда Ўзбекистон билан хорижий мамлакатлар ўртасидаги парламентлараро икки томонлама ҳамкорлик гуруҳлари, халқаро

ташкилотлар доирасидаги парламентлараро тузилмалардаги иштирокимиздан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб талабларидандир.

Биз қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва халқаро ҳамкорлик бўйича фаолиятимизда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Кейинги даврда Олий Мажлис Президентимиз ташқи сиёсий йўлининг фаол иштирокчисига айлангани, шубҳасиз, мамлакатимизда парламент дипломатияси ривожлана бошлаганини кўрсатади. Зеро, Ўзбекистон парламенти эндиликда парламентлараро халқаро ташкилотларда иштирок этмоқда. Икки томонлама депутатлик гуруҳлари кўпайиб, 28 тага етди ва улар изчил фаоллашди.

Айни чоғда, Президентимиз парламентнинг нафақат ислохотларни таъминлаш учун зарур қонуний асосларни яратиб бериш, балки мамлакат манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасидаги фаолиятини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш заруриятига эътиборни қаратди. Ҳақиқатан ҳам, ҳали биз “парламент дипломатияси”, “халқона ёки партиявий дипломатия” имкониятларидан етарли даражада фойдаланмадик.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг келгуси фаолияти бўйича билдирган фикрларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

**Биринчидан**, Конституцияга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг энг муҳим ваколатларидан бири – бу халқаро шартномаларни ратификация ёки денонсация қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, Президентимиз уқтирганидек, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ҳукумат томонидан изчил бажарилишини назорат қилиш ҳам қуйи палатанинг асосий вазифаси бўлиши керак.

**Иккинчидан**, Қонунчилик палатаси бундан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиши лозим.

**Учинчидан**, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижро этиш ҳам қуйи палатанинг диққат марказида бўлиши керак.

**Тўртинчидан**, бугунги кунда жаҳон парламентаризмида илғор тажриба бўлмиш, яъни но-

давлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш амалиёти халқаро даражада эътироф этилмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ушбу номдаги Парламент комиссияси фаолияти изчил мувофиқлаштириб борилиши муҳим.

**Бешинчидан**, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилган. Бу институт қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.

**Олтинчидан**, қонун ижодкорлиги фаолиятига илмий-инновацион омилни кенг жорий этиш ҳам бундан кейин қуйи палатанинг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз ўз тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бормоқда. Ўтган уч йил давомида амалга оширган ислохотларимиз дастлабки самараларини бера бошлади. Жаҳон ҳам-жамиятида Ўзбекистонга қизиқиш ва эътибор, мамлакатимизнинг куч ва имкониятларига, унинг келажагига бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда.

Бу, ўз навбатида, тараққиётнинг янги босқичига чиқиш, кўзлаган мақсадларимизга етиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Шундай экан, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг ишончига сазовор бўлган ҳар биримиз ўз жойимизда бу

юксак ишончни амалий ишлар билан оқлашимиз керак. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Бу бизнинг нафақат фуқаролик, балки, энг аввало, она Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир”**.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бошлиғининг парламентга Мурожаатномаси – дастурий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мурожаатномада, **биринчидан**, Президентнинг мамлакатни яқин истиқболда ривожлантиришга доир стратегик йўналишлар бўйича нуқтаи назари баён қилинди;

**иккинчидан**, сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий қоидалар билан бир қаторда, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли аниқ таклифлар илгари сурилди;

**учинчидан**, у жаҳон конституциявий амалиётида ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистон Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасини кенг жамоатчиликка ҳавола қилди. Агар ушбу муҳим сиёсий-ҳуқуқий тадбир телевидение каналлари ва интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри намоёиш этилганини ҳисобга олсак, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси нафақат миллий парламент аъзоларига, балки бутун Ўзбекистон халқига бевосита мурожаат сифатида янада аҳамиятлидир.

## КОНСТИТУЦИЯ УСТУВОРЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Бахтиёр МИРБОБОВ\*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимизнинг Бош қомусига оғишмай амал қилиниши халқимиз фаровонлигини таъминлашда бениҳоя аҳамиятли экани тўғрисидаги долзарб фикрлар нафақат ҳаётини мисоллар билан, балки илмий жиҳатдан ҳам асослаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида **“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови”**<sup>1</sup> деган эзу ғоя илгари сурилди. Бу ғоя фуқароларимиз онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун бешта йўналиш бўйича олдимизда турган ва бажаришимиз лозим бўлган энг муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат.

1. Қонунлар ижросини самарали ташкил этиш; бу соҳада тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш; қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш; салбий ҳолатларни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш.

2. Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратининг ролини ошириш.

3. Қонунийликни қарор топтиришда оммавий ахборот воситаларини чинакам **“жамият кўзгуси”**га айлантириш. Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни бундан кейин ҳам давом эттириш, ахборот воситаларининг мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлаш, жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакиллариининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўймаслик.

4. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш.

5. Конституция ва қонунларга нисбатан ҳурмат, юқори ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёти ва фаолияти тарзига айланишига эришиш.

Президент нутқида қонун устуворлигига аниқ таъриф берилиб, **“Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқарётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир”**<sup>2</sup>, деб таъкидланди.

Шунингдек, маърузада таъкидлаб айтилганидек, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкнинг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

Шу ўринда, **“Конституциявий назорат нима? У кимлар томонидан ва қандай амалга оширилади?”** деган саволлар туғилиши табиий.

Конституциявий назорат давлат органларининг Конституцияга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқлашга қаратилган фаолияти бўлиб, у воситасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги таъминланади.

\* Бахтиёр Мирбобоев – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 8 декабрь, № 254 (7484).

<sup>2</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 8 декабрь, № 254 (7484).



Конституциявий назорат асосан икки босқичда амалга оширилади.

**Биринчи босқич – дастлабки конституциявий назорат.** Бу босқичда назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тайёрлангандан то у расман қабул қилингунга қадар амалга оширилади. Бундай назоратни норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган орган, уни қабул қиладиган орган, адлия органлари амалга оширади. Бунда экспертлар, мутахассислар, кенг жамоатчилиқнинг фикри ҳисобга олинади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари [www.regulation.gov.uz](http://www.regulation.gov.uz) портали орқали кенг жамоатчилиқ муҳокамасидан ўтказилмоқда. Муҳокама давомида фуқаролар, давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва юридик шахслар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг нормасини Конституцияга мувофиқлаштириш тўғрисида ҳам ўзларининг фикрларини билдиришмоқда.

**Иккинчи босқич – кейинги конституциявий назорат.** Бу босқичда назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман қабул қилиниб, қонуний кучга киргандан кейин амалга оширилади.

Мамлакатимизда 2017 – 2019 йилларда кейинги конституциявий назорат тартибида Конституция устуворлигини таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонун ҳужжатлари нормаларини Конституцияга мувофиқлаштириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият экани тўғрисидаги конституциявий принципни амалга оширишга қаратилди.

Ҳаракатлар стратегияси давлат органлари ва мансбдор шахсларнинг фаолиятида **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”**, деган ғояни сўзсиз татбиқ этилишини кўзда тутди.

Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишидан бири қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги Фармони<sup>3</sup> бу борадаги давлат сиёсатини белгилаб берди.

### Фармонда ўрта асосий йўналиш белгиланди:

1) Конституциянинг 106- ва 112-моддаларида мустаҳкамланган суд ҳокимиятининг, судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

2) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси кафолатларини кучайтириш;

3) Конституциянинг 44-моддасида мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансбдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ўстидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини таъминлаш даражасини ошириш.

Фармон билан тасдиқланган Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган барча чоралар ўшбу асосий йўналишларни амалга оширишга, яъни суд-ҳуқуқ тизими соҳасида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилди.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас-

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/3050491>

лиги тўғрисидаги Конституциянинг 19-моддаси қоидаларини амалга ошириш мақсадида илғор хорижий тажриба асосида “Хабеас корпус” институтининг қўлланиш доираси янада кенгайтирилди.

Конституциянинг 39-моддасида белгиланган ҳар ким қариганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга, деган қондан тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони<sup>4</sup> асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди.

Конституциянинг 100-моддасида белгиланган фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига кириши тўғрисидаги қондан амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>5</sup> қабул қилинди. Унга мувофиқ 2018 йил 1 июлдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилди.

Конституциянинг 46-моддасида белгиланган “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деган қоидага мувофиқ хотин-қизлар учун ҳам никоҳ ёши 18 ёш этиб белгиланди.

2019 йил 25 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган квотанинг бекор қилиниши Конституциямизнинг 117-моддасида мустаҳкамланган “Ҳар бир сайловчи бир овозга эга”, деган қонданинг таъминланишига олиб келди.

Шунингдек, Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида 2019 йилдан бошлаб оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятларни содир

этган шахсларга ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Кейинги конституциявий назоратни юқорида кўрсатиб ўтилган давлат органлари билан бир қаторда суд органлари ҳам амалга оширади.

Суд органлари асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан низо бўлгандагина назоратни амалга оширади ёки бошқача қилиб айтганда, низони ҳал қилиб беради.

Конституциямизнинг 16-моддасида мустаҳкамланган, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас, деган қондан амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилувчи махсус орган – Конституциявий суд ташкил этилган.

Конституциявий судга норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки ундаги норманинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашни сўраб кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган Олий Мажлис палаталари; Ўзбекистон Республикаси Президенти; Вазирлар Маҳкамаси; Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман); Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи; Олий Мажлис Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи; Олий суд; Бош прокурор эга. Конституциявий суднинг камида уч нафар судьяси ташаббуси билан ҳам Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масала киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрда қабул қилинган “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори<sup>6</sup> билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурининг 7-бандида Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республи-

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4103211>

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/3681777>

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/4647329>

каси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш орқали кенгайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси тайёрланиши белгиланган.

Фуқароларга бундай ҳуқуқнинг берилиши кейинги конституциявий назоратнинг амалга оширилишида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш билан бир қаторда Конституцияга мос бўлмаган қонунларнинг бекор қилинишига ва шу орқали мамлакатимизда қонунларнинг конституциявийлиги таъминланишига олиб келади.

Маълумки, Конституциявий суд коллегиял орган бўлиб, кўриб чиқиш учун киритилган ҳар қандай масалани суд мажлисида кўриб чиқади ва қарор қабул қилади.

Конституциявий судда кўриб чиқиш учун коллегиял орган томонидан масала киритиш унинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда қабул қилинган қарори асосида амалга оширилади. Мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан масала киритиш ёзма шаклда амалга оширилади. Бундай мурожаат улар томонидан имзоланади.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш якунлари бўйича Конституциявий суд қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг қисмини Конституцияга мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг қисмини Конституцияга мувофиқ деб топиш тўғрисида.

Конституциявий суд томонидан Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўзининг амал қилишини тўхтатади ва қўлланилиши мумкин эмас.

“Агар қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи ҳокимият органи бир неча марта Конституцияга мувофиқ бўлмаган қарор қабул қилса, қонун ҳужжатларида уларнинг жавобгарлигини белгилайдиган нормалар борми?”, деган савол туғилиши мумкин.

Конституциямизнинг 95-моддасига мувофиқ Қонунчилик палатаси ёки Сенат бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир неча бор Конституцияга зид қарорлар қабул қилинган тақдирда Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод этилади. Бош вазирнинг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

Қонун ҳужжатларида бундай қатъий нормаларнинг назарда тутилиши мамлакатимизда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги масаласи ғоят муҳим масала эканлигидан ва шу сабабли унга қанчалик катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳар бир моддаси, ҳар бир қондаси халқимиз фаровонлигини кўзлаган ҳолда мамлакатимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Шундай экан, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

## БУЮК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Мирзо-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ\*

Ўтган уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз сайлов тизимини халқаро нормалар ва тамойилларга мослаштириш, сайловчилар учун янада кенг имкониятлар яратиш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Бу ислоҳотларнинг самаралари 2019 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар жараёнида яққол ўз ифодасини топди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ қарийб икки йил давом этган ғоят масъулиятли жараён якунланди: мамлакатимизнинг янги парламенти ва маҳаллий кенгашлари шакллантирилди. Ҳукумат ва ҳокимлар таркиби янгиланди. Сайловлар кўппартиявийлик ва муқобиллик, ошкоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, дунёда умумэтироф этилган демократик стандартларга мос тарзда ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, “Сайловлар Ўзбекистонимиз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди”<sup>1</sup>.

Халқимизнинг юзини ёруғ қилган омиллар ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, сайловларнинг Ўзбекистонда мустаҳкам қарор топган тинчлик ва озоишталликда, халқимизга хос бағрикенглик ва олижаноблик, меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, сиёсий-ҳуқуқий маданият, қадимий анъаналаримизга мос муҳитда ўтганини таъкидлаш ўринли.

Баъзи давлатларда бўлгани каби демократияни бошбошдоқлик, сўз эркинлигини бетгачопарлик деб тушуниш, жамоат тартибини қўпол равишда бузиш ҳолатлари кузатилмади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнлар адолатли, ҳалол ва шаффоф, умумэтироф этилган стандартлар ва энг мақбул амалиётлар, Ўзбекистоннинг сайловлар соҳасидаги халқаро мажбуриятларига биноан ўтказилди.

Буни сайловлар жараёнини бевосита кузатиб борган нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШХТ, МДХ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши миссиялари ва хорижий мамлакатларнинг юзлаб кузатувчилари оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларидаги эътирофлар ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Энг муҳими, фуқаролар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириши учун барча шароитлар яратилди ва сайловчилар бу имкониятдан самарали фойдаланди.

Буларнинг барчаси Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини босқичма-босқич ўзгартириш ва юксалтиришга йўналтирилган кенг қўламли, изчил ва дадил ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги парламентида халқнинг умиди катта. Парламент сайлови натижаларига кўра, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатини ва Сенатининг 98 нафар аъзосини рўйхатга олди. Шулардан 14 нафари Президент фармонида биноан Сенат аъзоси этиб тайинланди. Янги парламентнинг ҳар икки палатаси ва маҳаллий кенгашларнинг илк мажлислари бўлиб ўтди. Сиёсий партиялар қуйи палатада ўзларининг фракцияларини тузди.

“Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган сайловлар натижасида конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби даврийлик принципи асосида янгиланиши таъминланди. Сайловлар жараёнининг давоми сифатида, ижроия ҳокимияти қайтадан шакллантирилди. Бу халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига

\* Мирзо-Улуғбек Абдусаломов – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси, юридик фанлар номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

<sup>1</sup> “Халқ сўзи” газетаси. 15 (7515) сон, 2020 йил 22 январь.

хизмат қиладиган адолатли қонунлар ва қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Халқаро кузатувчилар қайд этганларидек, замонавий Ўзбекистон тарихида илк бор реал рақобат муҳитида ўтган бу галги сайловларда депутатлик, сенаторлик мандатига эришиш ҳеч кимга осон бўлгани йўқ. Бу – табиий. Депутатлик мандатлари учун бешта сиёсий партиянинг номзодлари кизгин кураш олиб борди. Қанчадан қанча муаммолар кўтарилди. Қанчадан қанча янги ғоялар, фикрлар ўртага ташланди, танқидий гаплар айtilди. Партиялар ва номзодлар томонидан сайловолди учрашувларида кўплаб ваъдалар берилди, режалар тузилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўзингиз айтинг, олдинги парламент сайловларида мана шундай сиёсий жараёни – ютукни ютуқ, камчиликни камчилик деб очиқ айта оладиган муҳитни тасаввур қила олармидик?”<sup>2</sup>

Шу боис парламентда бўладими, маҳаллий кенгашларда бўладими, қайси даражадалигидан қатъи назар, энди ҳар бир депутатнинг ва ҳар бир сенаторнинг зиммасида ҳар бир сайловчи, ҳар бир фуқаро, бутун халқимиз ва Президентимиз олдида юксак масъулият юки бор. Бу шарафли юкнинг номи – халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистоннинг энг ривожланган демократик давлатлар сафидан мустаҳкам жой олиши учун муносиб ҳисса қўйиш.

Сайловчиларнинг, яъни 34 миллионлик буюк халқнинг, давлатимиз раҳбарининг юксак ишончига сазовор бўлиши ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган юксак шарафдир.

Энди халқ вакиллари ўзининг бор куч-ғайрати, илмий, ижодий ва лидерлик салоҳиятини ҳамда инсоний фазилатларини эл-юрт равнақи йўлида сафарбар этишлари лозим.

Сайловларни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг олти юзга яқин кузатувчиси мониторинг қилиб бориши кутилаётган эди. Амалда кузатувчилар рекорд даражада кўп бўлди. Бунинг сабаби – Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан демократик ўзгаришларга дунё ҳамжамиятининг қизиқиши ғоят катта эканлигида. Демократик ислохотлар йўли эса халқимиз учун яққо ягона ва энг тўғри йўл сифатида белгиланган.

“Сайлов – демократия кўзгуси”, деган гап бежиз айтилмайди. Негаки, ҳар қандай мамлакатда очиқлик, ошкоралик, сўз эркинлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига оид умумэтироф этилган кўплаб демократик тамойилларнинг амалда нечоғлик таъминлангани айнан сайловлар жараёнида намоён бўлади.

Бу галги сайловларнинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан мутлақо янгича ўтганини, қайд этилганидек, ўнта халқаро ташкилот, элликка яқин чет давлатнинг 825 нафар кузатувчиси, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларининг 1155 нафар вакили бевосита кузатиб борди.

Кузатувчилар Ўзбекистонда модернизация ва демократлаштириш жараёнлари ортга қайтмас характер касб этиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳаларида очиқлик ва ошкоралик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганига тўла ишонч ҳосил қилдилар.

Масалан, ЕХХТнинг ДИИХБ оралиқ ҳисоботи мазкур ташкилот тарихида 1999 йилдан буён Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш билан боғлиқ барча ҳисоботларидан кескин фарқ қилди. Унда, жумладан мамлакатимиз сайлов қонунчилиги ва сайлов тажрибасини такомиллаштириш соҳасида сезиларли юксалишга эришилгани алоҳида таъкидланган.

Бу галги сайловлар биринчи марта Сайлов кодекси асосида ўтди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сайлов қонунчилиги тубдан янгиланиб, миллий тажрибамиз ва халқаро стандартларга мос Сайлов кодекси қабул қилинмаганида, демократик сайловларни ўтказишни тасаввур ҳам қилиш қийин эди.

2019 йилнинг 25 июнида Сайлов кодекси амалиётга киритилгач, сайловларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Бунда, аввало, сайловга оид мавжуд бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари яхлит ҳужжатга жамланди. Бевосита ишлайдиган қонун мақомини олди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» каби бешта қонун ва йигирмадан ортик бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжат – турли низомлар ва йўриқномаларни кўз олдингизга келтиринг. Излаган, бирини топса, бошқасини – амри маҳол. Ҳаммасини жамласангиз, ёстикдай китоб бўлади. Бунинг устига, қўшиқдаги нақорат каби мазкур қонунларнинг ҳар бирида такрорланувчи нормалар ва қоидаларни айтмайсизми?

Оддий сайловчини қўяверинг, сайлов қонунчилиги билан илгари бақамти келмаган узоқ қишлоқдаги сайлов участкаси аъзоси – ўқитувчи ёки шифокорнинг сайловларни ўтказиш жараёнида боши қотиб, қандай аҳволга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас.

<sup>2</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 15 (7515) сон, 2020 йил 22 январь.



Давлатимиз раҳбари 2020 йил 24 январда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида, “Сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электроти билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир,”<sup>3</sup> деб алоҳида таъкидлаганида катта ҳикмат бор.

Бундай хайрли ишларни амалга оширишда ҳажман ихчам, баёни содда, имконияти кенг Сайлов кодекси жуда қўл келиши табиий. Кодекс яратган имкониятлар ҳақида гапирар эканмиз, жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли янада кучайтирилиб, сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартларига мосланганини алоҳида қайд этиш ўринли.

Барча вакиллик органларига фақат сиёсий партиялар томонидан номзод кўрсатиш амалиётига ўтилгани халқимизнинг улкан ютуғидир. Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрни сақлаб қолингани ҳолда, Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти бекор қилинди. Натижада ўтган сайловларда бешта сиёсий партия ўзаро рақобатга киришди. Янги – Ўзбекистон Экологик партияси қуйи палатада 15 депутатлик ўрнини қўлга киритди.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатининг шакллантирилиши мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги мутлақо янги амалиёт бўлди. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг тўлақонли ишлашини таъминлаш мақсадида шакллантирилган мазкур рўйхатга сайлов ёшидаги 20,5 миллиондан зиёд фуқарога доир маълумотлар киритилди ва улардан сайловлар жараёнида белгиланган тартибда фойдаланилди.

Мазкур ахборот тизимидан 6720 та сайлов округи, 10260 та сайлов участкаси, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг жами 170 313 нафар аъзосига оид маълумотлар ҳам жой олди. Бу ортиқча қоғозбозликларга барҳам бериб, сайловчиларнинг, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун масъулларнинг ҳисобини аниқ юритиш ҳамда овоз бериш жараёнларида барча учун катта қулайликлар яратди.

Илгари Сенат аъзолари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган низом асосида сайланар ва бундай амалиёт муайян эътирозларга сабаб

бўлар эди. Бу гал Сенат аъзолигига даъвогарлар Сайлов кодексига биноан сенаторлик мақомига эришди.

Ижтимоий ҳавфи катта эмас ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар мамлакатимиз тарихида биринчи марта овоз бериш шарафига муяссар бўлгани ҳам Ўзбекистоннинг сайлов амалиётидаги энг муҳим янгиликлардандир.

22 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон ички ишлар вазири Пўлат Бобожонов таъкидлаб айтдики, соат ўн бирга қадар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида рўйхатга олинган сайловчиларнинг 75 фоизи овоз бериш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланди.

Вазирнинг қайд этишича, сайлов кунига қадар 18 нафар депутатликка номзод, халқаро ташкилотларнинг 4 нафар кузатувчиси ҳамда бир журналист қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги шахслар билан учрашувлар ўтказган.

Сайлов кодексининг 33-моддасига<sup>4</sup> биноан сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар иштирок этиши мазкур сиёсий тадбирни ўтказиш жараёнида жамоатчилик, яъни халқ назоратини сезиларли даражада ошириш, сайловларнинг очиклиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилди. Бешта сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жами 70 мингдан зиёд вакиллари биринчи марта сайловларни бевосита кузатиб борди.

Овоз бериш кунин сайлов участкаларида соат 8.00да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради. Аввалги қонунчиликда бундай норма йўқ эди. Сайлов кодексининг 54-моддасига<sup>5</sup> биноан ўтган сайловда биринчи марта мамлакатимиздаги барча сайлов участкаларида, жумладан хориждаги эллик бешта сайлов участкасида ҳам овоз бериш бошланишидан аввал мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янгради. Муҳим сиёсий тадбирнинг бундай тантанавор бошланиши фуқароларнинг дилида озод ва обод Ватанидан фахр-ифтихор туйғуларини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайлов кодексининг шарофати билан амалда ўзининг юксак самараларини бераётган бундай мисолларни яна қўплаб келтириш мумкин.

Сайловларда муддатидан олдин овоз берганлар сони-салмоғи кескин ошди. Муддатидан олдин овоз

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Правда Востока” нашри портали / <https://www.pv.uz/uz/newspapers/postanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirzieeva-olij-mazhlisu-2020>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий тарғибот маркази, 2019 й. – 38-бет.

<sup>5</sup> Ўша манба. – 53-бет.

беришга оид норма – халқаро сайлов стандартларига мос, сайловчилар учун қулай имкониятдир. Ушбу жараён Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан<sup>6</sup>, 12 – 18 декабрь кунлари ўтказилди. Сайлов кунини ўз яшаш жойида бўла олмаган 150 минг сайловчи, жумладан, қарийб 90 минг фуқаро хорижда муддатидан олдин овоз берди. Бу умумий сайловчилар салмоғининг бир фоизидан кам, аммо 2014 йилги парламент сайловида муддатидан аввал овоз берганлардан 18 баравар кўпдир.

Биринчи марта хорижда истиқомат қилаётган барча ватандошларимиз учун овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ваколатхоналаридан расман рўйхатдан ўтган фуқароларгина овоз беришда қатнашарди. Рақамларга қарайдиган бўлсак, бу гал 38 мамлакатда ташкил этилган эллик бешта сайлов участкасида 2014 йилдагидан 10 баравардан ҳам кўпроқ – 112 411 нафар сайловчи овоз берди.

Таъкидлаш жоизки, янгидан шакллантирилган парламентнинг қуёи палатасига депутатликка сайланганларнинг 48 нафари – 2014 йилдагидан кўра 3 баравар кўп – аёллардир. Агар Сенатда ва маҳаллий кенгашларда яна минглаб хотин-қизлар фаолият юритишини инобатга олсак, аёлларнинг халқ вакиллик органларидаги салмоғи ошганига амин бўлаемиз.

Бу мамлакатимизда гендер тенглиги ва бағрикенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қарорлар қабул қилинишидаги иштирокини, сайлов ҳуқуқлари ва имкониятларини янада кенгайтириш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият ҳаётидаги фаоллиги ва мақом-мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда самарали ишлар амалга оширилганини, ҳатто унча-мунча ютуқларни тан олавермайдиган ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳам эътироф этди. МДХ мамлакатлари кузатув миссияси вакиллари эса сайловлар юксак даражада ўтказилганини тасдиқлади.

Шунингдек, сайлов кампанияси даврида жойларда айрим қоидабузарликларга йўл қўйилганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш – ўта масъулиятли жараён, кўпнинг қўмағи билан битади-

ган, кўп вақт талаб қиладиган, серзаҳмат иш. Овоз бериш жараёнида 10 мингдан ортиқ сайлов участкасида 180 мингга яқин одам иш олиб борди. Гарчи улар, яъни участка сайлов комиссиялари аъзолари, сайлов қонунчилиги бўйича малакали экспертлар томонидан семинар-тренингларда астойдил ўқитилган ва кўникмаси оширилган бўлса-да, касби сайлов амалиёти билан бевосита боғлиқ эмаслигини эътибордан соқит қилиш қийин. Кўпчилиги ўқитувчилар, оддий фуқаролар ёки жамоат ташкилотларининг вакиллари дидир. Қай биридир эътиборсизлик ёки бепарволик қилиши ва хатога йўл қўйиши эҳтимолдан холи эмас.

Камчилик ва нуқсонлар, яъни бир киши томонидан бир неча сайловчи ўрнига овоз беришга, сайлов кунини муайян номзодни алқаб ташвиқот юритишга уриниш, овоз бериш ҳужжатларини нотўғри расмийлаштириш илгари ҳам бўлган. Фақат очик айтилмаган. Тан олинмаган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг шарофати шундаки, нафақат қўлга киритилаётган ютуқлар, балки мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳам рўй-рост айтилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинмоқда.

Сайловлар жараёнида йўл қўйилган баъзи камчиликларни бартараф этишда депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, айниқса, блогерлар ва ижтимоий тармоқлардаги юртдошларимизнинг хизмати катта бўлди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи ййғилишидаги нутқида муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш устида ҳозирдан бошлаб жиддий ўйлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади<sup>7</sup>. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, жорий йилда халқаро экспертлар иштирокида форум ўтказиш ҳақидаги таклифи тўла қўллаб-қувватлангани сайлов тизимини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

Шу ўринда сайлов участкалари комиссияларининг аъзоларини сайлов қонунчилиги бўйича ўқитиш борасида амалга оширилган ишларга батафсилроқ тўхталиш ўринли бўлади. Чунки, бундай семинар-тренинглар аввалги сайловлар арафасида ҳам ўтказилган. Фарқи нималарда кўринди?

Сайлов кодекси қабул қилиниши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси томонидан сай-

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов участкаларида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори / <http://elections.uz/uz/lists/view/1896>

ловларга тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастури қабул қилинди. Дастурда белгиланган кўламли вазифалардан бири – барча даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитишга ҳар қачонгидан эрта – 3 августдан киришиб, 8 босқичли семинар-тренингларда замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилди.

Юқоридан қуйига қараб кенгайиб, такомиллашиб борадиган ва интерфаол усуллар устуворлик касб этган ўқитишлар жараёнида мамлакатимиз бўйича 180 мингга яқин киши малака оширди. 20 октябрдан 20 ноябргача ўтказилган сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги тадбирлари эса, кузатувчилар эътироф этишганидек, умуммиллий кўлам касб этиб, миллионлаб сайловчиларни қамраб олди.

Бундай кенг кўламли ўқитиш ва тарғибот ишлари мамлакатимиз тарихида биринчи марта ташкил этилди.

Илгари бундай тадбирлар сайлов кампанияси эълон қилинганидан сўнг – кеч кузда бошланар, машғулотлар кўпинча бутун тумандаги сайлов комиссиялари раҳбарлари-ю, аъзолари – 300-400 киши – маҳобатли залга йиғилиб, уларга икки-уч соат узундан-узон ва зерикарли маърузалар ўқишдангина иборат бўларди. Сабаби, вақт тигиз, молиявий имкониятлар малакали мутахассислару экспертларни ўқитиш жараёнига кенг жалб этиш имконини бермасди.

Сайловлар жараёнида аҳолининг мурожаатлари ва шикоятлари сони ҳар қачонгидан кўп бўлди. Бу – жамиятимизда очиқлик ва ошқоралик муҳитининг тобора мустаҳкам қарор топиб, халқимизда адолатга бўлган ишонч, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларининг кучайиб бораётганидан далолатдир.

Сайловчиларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор билан қараш, сайлов қонунчилигининг ижросини назорат қилиш – Марказий сайлов комиссиясининг, умуман барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятининг бош йўналиши. Бирорта мурожаат эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида сайлов кампанияси аввалидан то жорий йилнинг 7 январигача “Ишонч телефони” (“Call center”) ишлаб турди. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳолининг 1197 бепул қисқа рақамли, хорижда истиқомат қилиб турган фуқароларимизнинг эса (998) 55 502 44 44 рақамли телефон орқали тушган барча мурожаатларига Марказий сайлов комиссиясининг масъул ходимлари, сайлов бўйича етакчи экспертлар

ва олимлардан иборат навбатчилар гуруҳи томонидан ўз вақтида асосли жавоблар қайтарилди. Йўлланган 1021 та мурожаатнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмади.

Сайловлар муносабати билан аҳоли мурожаатларининг тезкор ҳамда қонуний асосда кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг 2019 йил 13 декабрдаги фармойишига биноан Олий судда ҳамда барча судларда штаблар тузилиб, 2019 йилнинг 16 декабрдан 2020 йилнинг 3 январига қадар барча вилоятлар ва туман (шаҳар) маъмурий судларида судьяларнинг мунтазам навбатчилиги ташкил этилди. Бундай навбатчилик прокуратура, ички ишлар органларининг ҳам барча бўғинларида йўлга қўйилди.

Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда сайлов қонунчилигининг бузилиши борасида эълон қилинган хабарларга тезкорлик билан муносабат билдирилди. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари, етакчи мутахассислари, зарур ҳолатларда прокуратура органлари вакиллари билан биргаликда, қоидабузарлик содир этилган жойларга зудлик билан етиб бориб, масалани синчиклаб ўрганди. Тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Тегишли ташкилотлар томонидан маъмурий ва жиноий ишлар очилган ҳолатлар ҳам бўлди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг, айниқса, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва эътибор ошиб бораётганининг яққол далилидир.

Таъкидаш жоизки, сайловга оид шикоятларнинг судларда ва прокуратура органларида кўриб чиқиши билан боғлиқ жараёнлар мамлакатимизда илгари кузатилмаган.

Журналистлар ўтган сайловлар жараёнида энг кўп истифода этилган сўзлар – очиқлик ва ошқоралик бўлганига эътибор қаратишди. Аслини олганда ҳам, сайловларда фақат овоз бериш яширин кечди. Барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини очиқ-ошқора ва шаффоф олиб борди.

Сайлов кампанияси мониторингини юритган экспертларнинг маълумотларига қараганда, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, ижтимоий тармоқлар ҳамда телеграм каналларда турли тилларда сайловларга бағишланган жами 42 мингдан ортиқ, жумладан 4 мингга яқин танқидий руҳдаги чиқишлар қайд этилди.

Сиёсий партиялар ўртасида депутатлик ўринлари учун кураш қўтилганидан ҳам қизиқарлироқ кеч-

<sup>7</sup> “Халқ сўзи” газетаси. 15 (7515) сон, 2020 йил 22 январь.

ди. Буни сайловолди учрашувларда, теледебатларда, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда, ижтимоий тармоқлар, сиёсий партиялар веб-сайтларида, шунингдек, интернет-нашрларда, илгари сайлов амалиётида кузатилмаган митингларда, марафонларда қўриш мумкин эди. Тадбирларда юз минглаб сайловчилар иштирок этди.

Бу ҳам мамлакатимизда мустахкам қарор топиб бораётган сўз ва матбуот эркинлигининг амалдаги ўзига хос ифодасидир.

Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш 2020 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида изчил ишлар бошланганига икки йилдан ошди. Жумладан, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди ва ўтган сайловларда муваффақиятли қўлланди. Мазкур янгиликка сайлов ҳуқуқи бўйича етакчи мутахассислар, жумладан, халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан “инновацион ўзгариш” деб таъриф берилди. Чунки мазкур тизим халқаро андозалардаги “бир сайловчи – бир овоз” тамойилини амалга оширишда бекиёс аҳамиятга эга.

“Saylov – 2019” мобиль иловасининг ишга туширилиши ҳам ана шундай муҳим янгилик сифатида сайловлар жараёнида миллионлаб сайловчилар, сайлов ташкилотчилари, экспертлар, кузатувчилар, номзодлар, партиялар фаолларининг оғирини енгил қилди. Иловага сайлов бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, барча даражадаги сайлов комиссияларининг таркиби, манзили, телефон рақамларига оид маълумотлар, сайлов иштирокчиларига мўлжалланган ўқув материаллари, эслатма ва услубий тавсиялар, электрон кутубхона ҳамда саволларга жавоблар ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида жойлаштирилди.

Мобиль илова, айниқса, турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзоларининг ишида қўл келгани борасида қўллаб-қўлловчиларни эшитдик.

Айни пайтда сайлов куни мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олтимишта сайлов участкасига тажриба-синов сифатида ўрнатилган 120 видеокамера сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот

марказига ва интернет орқали онлайн режимида бутун дунёга намойиш қилиб турди. Йигирмата сайлов участкасига овоз бериш чоғида фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун биометрик ҳужжатларни «ўқийдиган» олтимишта қурилмадан тажриба сифатида фойдаланилди.

Президентимизнинг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан миллий сайлов тизимида изчил ва тизимли равишда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар қўламини ва салмоғи “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да янада ошишига шубҳа йўқ.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги миллий ҳуқуқий тизимдаги энг самарали ва изчил ривожланаётган йўналишлардан биридир. Уни такомиллаштириш, ўқиш-ўрганиш – давомли жараён.

Илгари овоз бериш эрта саҳардан – соат олтида бошланар ва 14 соат давом этарди. Жамоатчиликнинг фикрини инобатга олиб, Сайлов кодексида овоз бериш соат саккиздан йигирмагача белгилангани жуда тўғри иш бўлгани сайловларда ўз тасдиғини топди.

Энди таклифлар бўлаётгани, сайловларни ўтказиш вақти қорли-қировли, совуқ киш фаслидан очиқ-ёзиқ баҳор ёки илиқ куз ойларида қўчирилса, аҳоли учун яна бир қулайлик яратилар эди.

Сайлов куни овозларни санаб чиқиш ва дастлабки ҳисоб-китоблар натижаларини Марказий сайлов комиссиясига расман юбориш механизмларини тезлаштириш ва такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш ҳам фойдадан холи эмас. Бунда рақамли технологиялардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Умид қиламизки, мамлакатимизнинг янги таркибдаги парламенти сайлов қонунчилигига киритилиши мумкин бўлган бундай таклифларни инобатга олади.

Ўтган сайловлар Ўзбекистон демократик ўзгаришлар ва тараққиёт йўлидан дадил ва оғишмай бораётганининг яна бир яққол далили, халқимизнинг юксак марраларга эришишига қаратилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар самараси, Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар амалда рўёбга чиқаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

## ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖАМИЯТИ

Нарзулла ЖЎРАЕВ\*

**Аннотация.** Наблюдаемый сегодня стремительный прорыв в области информационных и коммуникационных технологий, свидетельствует о движении человечества к новой постиндустриальной фазе развития – информационному обществу. На современном этапе информация является главным источником развития общества. Проникновение информационных технологий практически во все социально-экономические сферы влечет за собой формирование новых потребностей и нового образа жизни человечества. В данной статье анализируются новые тенденции, связанные с глобальными информационными сообществами.

Информация способствует переводу экономики на наукоемкие, ресурсосберегающие технологии производства и создает условия для научной организации управления всеми общественными процессами, формирует широкие возможности для творческой самореализации каждого человека.

С ростом коммуникаций появилась возможность достаточно быстро получить самую разнообразную информацию без особых усилий. Это расширяет возможности человека, способствует выбору наиболее оптимального и эффективного вида деятельности. Информационное общество ориентируется на развитие творческого и интеллектуального потенциала, как индивида, так и общества в целом.

Чтобы полностью раскрыть исследование, в научной статье использованы такие методы, как системный подход, историчность, сравнительно-исторический, структурный, политический анализ, функциональный и культурологический анализ. В конце разработаны научно обоснованные выводы, рекомендации и предложения о необходимости духовного и интеллектуального развития общества.

**Ключевые слова:** общество, информация, глобализм, терроризм, демократия, информационные технологии, государственная политика.

**Annotation.** The rapid breakthrough observed today in the field of information and communication technologies testifies to the movement of mankind towards a new post-industrial phase of development - the information society. At the present stage, information is the main source of development of society. The penetration of information technology into almost all socio-economic spheres entails the formation of new needs and a new way of life for mankind.

With the growth of communications, it became possible to quickly get the most diverse information without much effort. This expands the possibilities of a person, contributes to the selection of the most optimal and effective type of activity. The information society focuses on the development of creative and intellectual potential, both of the individual and of society as a whole. Noting the positive aspects of the information society, one should not forget about its negative aspects. With the development of modern society, the consumer attitude of people towards the world is growing. There is a risk of information dependence. For some people, virtual reality often turns out to be more significant than reality itself.

**Key words:** society, information, globalism, terrorism, democracy, information technology, public policy.

---

\* Нарзулла Жўраев – сиёсий фанлар доктори, профессор.



Ўзбекистонда илм-фанни янада раванг топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”, деб номланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мамлакат парламентиغا Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаганидек, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини егаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”<sup>1</sup>.

Ҳозирги замонда олимлар Ер сайёраси микёсида ягона цивилизация қарор топаётганлиги хусусида тобора кўпроқ гапирмоқдалар. Фан ва амалиётда бу ғоянинг мустаҳкам ўрин олиши билан “глобализация” атамаси қўлланила бошланди. Глобализация социумнинг барча соҳаларини қамраб олган. Саноат ишлаб чиқариши кўп жиҳатдан трансмиллий корпорациялар назорати остида. Барча мамлакатлар амалда ягона бозорга бирлашган деса бўлади. Интернет туфайли Сайёранинг истаган жойи тезда турли соҳа янгиликлари билан таъминланиши мумкин. Кўринадик, инсоният “умумий уй”, “умумий тақдир” ва албатта, умумий ташвишларга ҳам эга бўлди. Ҳаммадан олдин буни пайқаган Арнольд Тойнби “XX асрда ялпи жаҳон тарихи бошланди”<sup>2</sup>, деган эди.

Инглиз иқтисодчиси Р.Т.Мальтус бундан 200 йил аввал шундай деган эди: “Ота-она фарзандининг яшашини таъминлаш учун зарур капиталга эга бўлмаса, бу фарзанднинг яшашга қандай ҳаққи бор? Бундай фарзанд хайр-эхсонга кўз тикиши мумкин”<sup>3</sup>.

Рим клуби аъзолари Ж.Форрейстер ва Д.Медоуз томонидан тайёрланган “Ўсиш чегаралари” номли китобда инсоният ривожланишининг бешта параметрларидан бири бўлган демографик портлаш ҳақидаги фикрлар бу қарашлар билан ҳамоҳангдир.

Рим клубининг кейинги тадқиқотларида – М.Месаровие ва Э.Пестолнинг “Инсоният чорраҳада қолганда” (1974) ҳамда Я.Тинберган бошчилигидаги муаллифлар жамоасининг “Халқаро тартибларни қайта кўриб чиқиш” (1976) деб номланган китобларида ҳам демографиявий муаммоларга катта ўрин берилган. Жумладан, муаллифлар аҳолининг кўпайиши масаласида мамлакатлар ўртасидаги мавжуд муносабатларни ўзгартириш керак, деб таъкидлайдилар<sup>4</sup>.

Аҳоли ўсиши, биринчи навбатда, минтақавий ифодаланишга эга. Мутлақ ўсишда Осиё китъаси биринчи ўринда турса, Африка йиллик ўсиш суръатларида олдиндадир.

Келиб чиқиш сабаблари “ижтимоий асослари” тизимига бориб тақаладиган жиддий глобал муаммолардан яна бири хавфли касалликларни тугатиш вазифасидир. Бу касалликлар, биринчи навбатда, аҳоли кўпайишини бошқариш ва ташкил этиш йўлга қўйилмаган мамлакатлардаги очлик, озиқ-овқатлар таркибида оксилларнинг етарли эмаслигидан келиб чиққан. Ривожланаётган мамлакатларда сил, безгак каби касалликлар кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда буларнинг ёнига ОИТС ҳам қўшилмоқда. Касалликларнинг глобал муаммо бўлиб қолганлиги яна шунда кўринадик, саноати юксак ривожланган мамлакатларда юрак-томир, рухий-асаб, аллергия, рак ва бошқа хасталиклар кўпайиб бормоқда. Масалан, бу мамлакатларда юрак-томир касали биринчи ўринда, рак – иккинчи ўриндадир.

Инсоннинг ишлаб чиқариш, яъни хўжалик фаолиятининг сайёравий микёсдалиги туфайли глобал тарзда қуйидаги экологик ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тупроқ эрозияси туфайли экин майдонининг 26 миллион гектарида ҳар йили ҳосилдорлик пасайиб бормоқда. Сув ва ҳаво эрозиясидан ҳар йили АҚШда ишлов бериладиган 3,1 миллиард тонна тупроқ яроқсиз ҳолга келмоқда.

Ер юзидаги экологик ўзгаришлар оқибатида 2050 йилга бориб атмосферадаги ўртача ҳарорат 1,5-4,5 даражагача кўтарилиши кутилмоқда. Атмосфера юқори қисмларида озон қатлами сийраклашиб, Антарктида ва Арктика устидаги “туй-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси/ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти/ <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.

<sup>2</sup> Тойнби А. Исследование истории. Возникновение, рост и распад цивилизации. АСТ. – М.: 2009. – Стр.359.

<sup>3</sup> Қаранг: Йўлдошев С. ва бошқалар. Янги ва энг янги давр ғарбий Европа фалсафаси. –Т.: «Шарқ», 2002.

<sup>4</sup> Отамуродов С. Глобализация ва инсон истиқболи. – Т.: «Ўзбекистон». – 320 – 328-бетлар.

нуклар” кенгайиб бормоқда. Озон қатламининг емирилиши натижасида ўсимликларда фотосинтез жараёнининг қисқариши, канцероген моддалар таъсирида келиб чиқадиган касалликларнинг кўпайиши кабилар рўй бериши мумкин.

Глобал муаммолар тизимида жаҳоннинг барча мамлакатлари қувватнинг янги манбаларини топиш зарурияти олдида турганлиги тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Қувват муаммосининг кун тартибда жиддий турганлиги олим ва мутахассисларнинг куёш нуридан, ер ости иссиқлик манбаларидан фойдаланишга яна ҳам кўпроқ эътибор беришларини тақозо этмоқда.

Бошқа глобал муаммолар қатори Жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш масаласи XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсоният олдидаги энг муҳим масала бўлиб турибди. Умуман олганда, цивилизациянинг бутун тарихи давомида ҳам океан ўрни хийла катта бўлган. Океан кислород етказиб беради, ғоят катта миқдордаги маъдан хомашёси захираларига эга, оксил хом ашёси олиш учун зарур бўлган биомоддаларни салмоқли ҳажмда ҳосил қилади, иқлимни тартибга солиб туради ва муҳим транспорт йўлидир.

Халқаро кучларни бирлаштириш глобал муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу йўл билан савдони ривожлантириш, барча соҳаларда алоқаларни мустаҳкамлаш мумкин.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши ва мавжудлиги халқлар, мамлакатларнинг хусусий ва умумий манфаатлари билан алоқадор бўлганидан буларни ҳисобга олиш зарур. Бу ҳақда Рио-де-Жанейрода 1992 йили бўлиб ўтган халқаро анжуманда ҳам алоҳида таъкидланган эди. Давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари иштирокида ўтган бу анжуманда “Барқарор ривожланиш концепцияси” қабул қилиниб, унда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ҳозирги авлод ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни келажак авлод учун ҳам шундай имкониятлар қолдириш билан қўшиб олиб бориш кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирда футуролог-мутахассислар ахборот-техникавий ёки ахборот-компьютер цивилизацияси ҳақида башорат қилмоқдалар<sup>5</sup>. Ахборот соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши, уни авто-

матлаштириш усуллариининг ривожлантирилиши компьютерларнинг яратилишига ва кишилар ҳаётининг турли соҳаларини компьютерлаштиришга олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, келажакдаги “ахборотли жамият” назариясини майдонга келтирди.

Ахборотли жамият назарияси ҳозирги замон индустриал жамият тўғрисидаги рационал таълимотлар (Дж. Белл, У.Ростоу, З.Бжезинский ва бошқалар) доирасида илгари сурилган. Унинг муаллифлари О.Тоффлер, Е.Масуда, Дж. Пелон, Дж.Мартин ва бошқалар ҳисобланади. Бу муаллифлар инсоният тарзи моделини анъанавий – индустриал (саноатлашган) – постиндустриал кўринишда қараб, сўнгги босқич келажакни ахборотли – техникавий ёки ахборотли – экологиявий тарзда юз беришини башорат қилганларида фан ва техника таъсирини етарли даражада кўрсата олмаганлар.

Ахборот технологияси иқтисодиёт ривожланишида кишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳасидан кейинги тўртинчи босқични эгаллайди. Агар капитал ва меҳнат кишилиқ жамиятининг саноатлашиш даври мобайнида энг зарур ташкил этувчилардан ҳисобланса, ахборот ва билим келажак жамияти асосларини ташкил этади.

Ахборот технологияси қатор таянч жиҳатларга эга. Улардан биринчиси инсон фаолиятини мақсадга мувофиқ йўлга қўйиш билан боғлиқ.

Иккинчи таянч – бу турли табиатга эга бўлган объектлар ўртасидаги ўзаро мувофиқликни билдириб, ЭҲМга тадбиқан унинг инсон мияси билан функционал умумийлигини англатади.

Ахборотлашганликнинг учинчи таянчи техника ҳисобланади. Дарҳақиқат, жиддий техникавий ривожланишсиз компьютерларнинг ўзи ҳам яратилмаган бўлар эди.

Ахборот технологиясининг тўртинчи таянчи шундаки, унинг келиб чиқиши учун иқтисодий бошқарув – сиёсий ва маънавий соҳаларда асосий манба бўлиши лозим.

Масалан, демократия ва озодлик идеаллари ривожланмаган жойда ахборотлашиш технологияси юз бермаган бўлар эди.

Кўриниб турибдики, ҳозирги замонда жамиятнинг компьютерлашганлиги – бу аниқ далил. Хўш,

<sup>5</sup> XX асрнинг 60-йиллари бошида табиий ресурслар етишмаётган Япония олдида «қайси йўлдош бориш масаласи» турган эди. Халқнинг моддий фаровонлигини янада ошириш йўлиданми ёки ахборотли-интеллектуал ривожланиш, жамиятни ахборотлаштириш билан алоқадор информатик ва технологик йўлданми, деган саволга, «ахборотлашув йўлидан» деб жавоб берилди ва тегишли йўл танланди. Японча ахборот ривожланиши тизимини 1970 йиллар бошида АҚШ ҳам қабул қилди.

бу далил жамиятнинг аниқ олинган соҳаларида қандай намоён бўлмоқда?

Иқтисодиёт соҳасида ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш нисбатида биринчисининг ҳисобига иккинчисининг кенгайиши рўй бермоқда. Оғир саноат салмоғи пасайиб, унинг тобора майдаланиб бориши кузатилмоқда. Аввалдан мавжуд тузилмалар ҳудудий тарқоқ тармоқларга бўлиниб бормоқда. Лекин бундан ҳудудий нораціонал меҳнат тақсимоти, хусусан, хом ашёга ихтисослашган минтақалар ва у ердан ташиб кетишнинг ҳозирги харажатли кўринишлари сақланиб қолапти, деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча, минтақавий ва халқаро миқёсдаги ишлаб чиқаришни ўзаро мувофиқлаштириш мумкин. Бунда минтақаларнинг ўзида хом ашёларга ҳар томонлама ишлов бериш ва тайёр маҳсулотлар алмашинуви юз беради. Бу алмашинувда турли-туман истеъмол эҳтиёжларини қондириш устун ҳисобланади. Аҳоли миграцияси рационал тарзда йўлга қўйилади<sup>6</sup>.

Бошқа томондан олиб қараганда, ишлаб чиқаришнинг автоматлашуви умумий вазифаларни бажаришга мўлжалланган ва роботлар томонидан хизмат кўрсатиладиган кўплаб дастгоҳлардан ташкил топган корхонада турли-туман деталларни ишлаб чиқарибгина қолмай, улардан яна зарур миқдорда ҳар хил буюмлар йиғилишига олиб келди. Бунинг учун, албатта, дастгоҳлар ва роботлар ичида лозим бўлган йўналишни таъминлаш учун тегишли дастурлар тайёрланади. Шунга мувофиқ, бу соҳада меҳнат қилувчилар сони ҳам ошиб боради. Масалан, АҚШда 1880 йилда ахборот соҳаси ишловчилари 5% бўлса, саноат ва қишлоқ хўжалигида 95% аҳоли меҳнат қилган. Орадан 100 йил ўтиб бу нисбат 45% ва 55% ни ташкил этган. Мамлакатда бундан 50 йил аввал “оқ ёқалик”лар сони ишчилар ва фермерлар сонидан ўзиб кетган эди.

Ахборот-техникавий келажак назариётчилари фикрига кўра, бу даврда жамиятда бошқариладиган бозор иқтисодиёти амалда бўлади. Бусиз янги цивилизация қарор топиши, саноатлашганлик камчиликларини бартараф этиш мумкин эмас.

Юксак меҳнат унумдорлиги, самарали иқтисодиёт ижтимоий таълимот йўли билан тегишли

сиёсат олиб боришни кафолатлайди. “Ҳеч қандай цивилизация, – деб ёзади О.Тоффлер, – барча касб эгаларини бир хил сийламаган ва шундай бўлмоғи лозим. Қишлоқ хўжалиги цивилизацияси ёки биринчи тўлқин муайян сифатлар ва қобилиятлар, айниқса, соф мускул кучи учун сийлаган. Саноат цивилизацияси ёки иккинчи тўлқин турли касблар учун ҳақ тўлаган. Учинчи тўлқин цивилизацияси ҳам муайян хусусиятлар ва қобилиятлар учун бошқаларига қараганда яхшироқ ҳақ тўлайди”<sup>7</sup>.

Маънавий-маданий соҳадаги туб ўзгаришлар оммавий руҳиятда, таълим тизимида, ҳар бир инсон савиясида ўз ифодасини топмоқда. Одатда, бу соҳадаги ўзгаришлар бошқа соҳалар ўзгаришларига замин тайёрлайди.

Маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар даставвал фаннинг янги рационал кўринишларида, жумладан ҳаёт ва инсон ҳақидаги фан тармоғи – биологияда намоён бўлмоқда. Дастлаб микроорганизмларга тадбиқан шаклланган ген инженериясида ҳозирги вақтда инсон геноми, ирсийликнинг генетик коди масалалари жиддий ўрганилмоқда. Илмий тадқиқотлар доирасига алоҳида кишиларнинг ўта сезгирлик қобилиятини, биомайдонини ўрганиш киритилмоқда. Инсоннинг имкониятлари, қобилиятлари ва қатор сифатлари тўғрисида янгича қарашлар шаклланмоқда. Янгича нуқтаи назарлар, шунингдек, оламнинг келиб чиқиши ва ривожланиши қонуниятларига, коинотий жараёнларнинг кишилар ҳаёти ва уларнинг уюшганлик даражаларига таъсирига оид масалалар бўйича ҳам шаклланмоқда.

Компьютерлаштириш кишилик жамияти динамикасининг навбатдаги йўналиши сифатида, маданиятнинг қатор соҳаларида бўлгани каби санъатга ҳам кучли таъсир кўсатади. Бу ҳақда цивилизация ривожланишининг ушбу босқичи назариётчиларидан бўлган Ж.Нэсбитт ва П.Эбурдин санъатни 90-йилларда жаҳон миқёсида ўнта йўналишнинг иккинчиси сифатида кўрсатади. Агар саноатлашган даврда ҳарбийлар бошқаларга намуна бўлса, спорт – метафора (мажоз)ни англаган бўлса, ахборот-техникавий даврда алоҳида кишилар, корпорациялар, катта ё кичик шаҳарлар ўз тақдирларини санъат асарларидаги шахслар, образлар, ҳаёт услуби таъсирида тобора белгилаб борадилар.

<sup>6</sup> См. Тоффлер О. Третья волна. – М.: 1980.

<sup>7</sup> См. Тоффлер О. Третья волна. – М.: 1980.

Санъат иқтисодий тушунча мақомида ҳам қаралиши объектив зарурият бўлиб бормоқда. Буни ривожланган мамлакатлар бозорида фойда келтираётган ресурс сифатида музейларга боровчиларнинг тобора кўпайиб боришида ва кўплаб курилатган музейлар сониди кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда Буюк Британияда маданият ва санъат соҳаси келтираётган фойда автомобилсозликдаги даражада – ҳар йили ўртача 17 миллиард доллар бўлмоқда.

Маънавий ҳаётда санъатнинг ўрнини саноатлашган даврнинг стандартлаш йўналишидан фарқли ҳолда унинг миллийлигини тўла намоён қилиш орқали ва мунтазам халқаро алмашув йўли билан миллатларнинг маданий яқинлашувига ҳисса қўшишида ҳам кўриш мумкин. Зеро, санъатнинг (ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, музика, рақс) тили таржимасиз тушунарли бўлганидан бебаҳо умуминсоний алоқа воситасидир.

Маориф соҳасида жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Жумладан, кечаётган фан инқилоби ва ахборотлашув туфайли ўқиш, ўқитиш ишларининг самарадорлигини янада ошириш имконияти яратилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар АҚШ ва Японияда ХХІ асрда ялпи олий таълимга ўтиш вазифаси кун тартибига қўйилган.

Сиёсий соҳада ҳам ахборотлашув инқилоби туфайли жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Чунончи, давлат ҳокимиятининг марказлашуви барҳам топиб, унинг ўрнига шахс эркинлиги салмоғи ошиб боради. Натижада, ҳар бир фуқаронинг демократик қарорлар қабул қилинишида бевосита иштирок этиши таъминланади. Бошқа томондан қараганда, давлат марказлашганлигининг кучсизланиши ахборотларга эгалик қилиш нати-

жалари билан ҳам боғлиқ. Масалан, ҳозирги кўпгина мамлакатларда давлат ташкилотлари фуқаролар тўғрисида ахборотлар тўплаганки, зарур бўлганда улардан тоталитаризм мақсадларида фойдаланиши мумкин. Яна бир ҳол: давлат ҳокимиятини муайян даражада чеклаш ахборотлардан турмушнинг турли соҳаларида фойдаланиш заруряти билан ҳам боғлиқ. Иқтисодиёт соҳасидаги ахборотларни тартибга солиш, улардан лозим даражада фойдаланишни сиёсий ҳокимиятнинг тотал аралашувисиз ҳам бозор муносабатлари ёрдамида йўлга қўйиш мумкин.

Ахборотлашаётган жамият белгилари ташкисиёт соҳасида, айниқса, яққол намоён бўлмоқда. АҚШдан ташқари қатор мамлакатлар, жумладан Хитой, Япония, Германия, Россия жаҳон миқёсида мустақил етакчи ўринга даъвогарлик қилмоқда. Айни вақтда минтақалараро иттифоқларнинг (масалан, Ғарбий Европа, Шимолий Америка) ўрни кучаймоқда. Шунингдек, халқаро ташкилотларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳам “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури ишлаб чиқилмоқда. Таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилади. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган бўлса, кейинги икки йилда яна 12 мингта муассаса тезкор интернетга уланади. Шунингдек, барча қишлоқ ва маҳаллаларни ҳам тезкор интернет билан таъминлаш режалаштирилган.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Икромжон МАШАРИПОВ\*

**Аннотация.** Мақолада кейинги уч йил ичида - Ўзбекистон янгиланаётган даврда ижроия ҳокимияти тизимидаги маъмурий ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқирилиши, уларни амалиётда қўллаш жараёнлари кабилар илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада тадбиркорлар ва ишбилармонларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари, бу соҳадаги янги йўналишлар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, маъмурий ислохотлар, виртуал қабулхона, децентрализация, давлат хизмати кўрсатиш, “электрон ҳукумат”, реинжиниринг, ҳуқуқий маданият, демократик қадриятлар.

**Аннотация.** В статье анализируются разработка правовых основ административных реформ в системе исполнительной власти в последние три года – в период обновления Республики Узбекистан, процессы её претворения в жизнь. А также исследуются процессы формирования и развития системы государственных услуг, предоставляемых предпринимателям, новые направления в этой сфере.

**Ключевые слова:** гражданское общество, административные реформы, виртуальные приемные, децентрализация, государственные услуги, “электронное правительство”, реинжиниринг, правовая культура, демократические ценности.

**Abstract.** The article analyzes the development of the legal framework for administrative reforms in the executive power system in Uzbekistan during the last three years, the processes of their implementation. The article also examines the processes of formation and development of public service delivery systems for businessmen and entrepreneurs, new trends and activities in this area.

**Keywords:** civil society, administrative reform, virtual reception, decentralization, public service delivery, e-government, reengineering, legal culture, democratic values.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш ислохотлари халқаро тажрибага монанд ўтказилмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий принципи – “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган шиорда акс этган.

2016 йилнинг 28 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва

юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан

\* Икромжон Машарипов – Тошкент Молия институти доценти, сиёсий фанлар номзоди.



ташқари), Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

**Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди.**

– аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

– халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

– жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

– Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш<sup>1</sup>.

Мазкур фармон эълон қилинишидан олдин давлатимиз раҳбари аҳоли мурожаатлари тўғрисида шундай фикр билдирган эди: “Очиқ айтишим керак, бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди.

Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткир муаммоларга кўзимизни очиб берди. Мана, одамлар нималар ҳақида мурожаат қилмоқда. Аввало, улар турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, қонунга зид бўлган қўплаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича ноқонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти ҳақида мурожаат қилмоқда. Шу билан бирга, аҳолимиздан уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизмати, энергия таъминотини, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам қўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Кўриб турибсизки, азиз дўстлар, бу талабларнинг барчаси қонуний ва адолатли. Бу борада ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Лекин шу ўринда бир савол туғилади: мана шу мурожаатларда кўтарилган ҳаётий муаммоларни жойлардаги ҳокимлик ва идоралар, тегишли мутасаддилар ўз вақтида ҳал этиши зарур эмасми?”<sup>2</sup>

Президент фармони эълон қилинганидан кейинги 10 ой ичида аҳолидан Халқ қабулхоналарига бир миллионга яқин мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатларнинг барчасини давлат органлари эътиборидан четда қолдирмайдиган механизм ишга тушди. Бу 10 ой ичида келиб тушган мурожаатларнинг 97504 таси уй-жой, 56567 таси ишга жойлаштириш, 33813 таси судларда фуқаролик ишлари кўрилиши, 28864 таси оилага моддий ёрдам, 27956 таси алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича, 17582 таси болалар нафақаси, 16567 таси меҳнат ва бандлик масалалари, 15743 таси судларда жиноят ишлари кўрилиши бўйича, 15728 таси фуқаролик паспорти масаласида, 14491 таси конвертация масаласи (тадбиркорлардан ташқари) каби муаммолар тўғрисида эди<sup>3</sup>.

Шунингдек, 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси” тасдиқланди. Фармонда мамлакатда давлат ҳокимияти органлари бошқарувининг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш талаблари даражасида эмаслиги, айрим

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. /2016 й. 28 декабрь// <https://www.gov.uz>.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. /2016 й. 7 декабрь // Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд.-Т.:“Ўзбекистон”, 2017.-Б.114-115.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси//<https://pm.gov.uz>.

ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг замонавий талабларга жавоб бермайдиган институционал асослари ва улар фаолиятининг принциплари ўтказилаётган ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳамда қўйилган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилаётганлиги, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликларнинг ҳанузгача сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Мамлакатда шакллантирилган кучли ижроия ҳокимияти нафақат қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларининг мустақил ҳокимият сифатида ривожланишига, балки фуқаролик жамиятининг демократик принциплар асосида фаолият юритишига ҳам ҳалал бераётган эди. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлайдиган ва самарали ҳал қиладиган янги давлат бошқаруви тизимини шакллантириш мақсадида қабул қилинди. Концепциянинг бош вазифаси – давлат бошқарувининг концептуал янги миллий моделини яратиш этиб белгиланди.

**Мазкур концепция асосида маъмурий ислохотлар ўтказиш орқали фуқаролик жамиятининг қуйидаги жиҳатларини ривожлантириш кўзда тутилди:**

– давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

– ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиял эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

– “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

– жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш.

Албатта, бу соҳадаги ислохотлар ижроия ҳокимиятини тубдан ислоҳ этишдан ташқари фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Бунинг сабаби, фуқаролик жамияти кучли ва авторитар ижроия ҳокимияти мавжуд жойда ривожлана олмаслиги, шунингдек, фуқаролик жамиятининг ривожланишида у ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши – бу халқаро тажрибада ўз исботини топган аксиомадир.

Шунингдек, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш муҳимлиги инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрда қабул қилинган “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Илгарилари амал қилган “Ягона дарча” тизими фақатгина тадбиркорларга хизмат кўрсатиб келган бўлса, янги тизим оддий фуқароларга ҳам давлат идоралари билан боғлиқ ишларда хизмат кўрсатиши белгилаб қўйилди. Бундай давлат хизматларини “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиш шаҳар ва туманларда йўлга қўйилиб, республика бўйича давлат хизматлари марказлари тизими шаклланди.

**Ягона давлат хизмати марказларининг асосий вазифалари қуйидагича белгиланди:**

– жисмоний ва юридик шахсларга «ягона дарча» тамойили бўйича, шу жумладан олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш;

– давлат хизматлари сервисининг юқори сифати, тезкорлиги, шаффофлиги, қулайлиги ва фойдаланиш имкониятини таъминлаш, мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларга йўл қўймаслик;

– идоралараро ҳамкорликни, энг аввало, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ҳужжат ва ахборотларни тезкорлик билан олишни таъминловчи электрон ҳамкорликни амалга ошириш;

– давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларга малакали ахборот ва маслаҳат ёрдамларини тақдим этиш;

– ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатлари ва маъмурий

регламентлар талабларига риоя этилишини таъминлаш<sup>4</sup>.

Қисқа вақт ичида мамлакатда 2018 йил декабрдан бошлаб 100 дан ортиқ (йил бошида 30 та эди) турли давлат хизматлари кўрсатила бошланди. Бу хизматлар соҳасига ёшлар оила курганда никоҳни қайд этиши, фарзанд дунёга келганда унга гувоҳнома олиш, болаларни боғчага жойлаштириш, машинани бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш ёки янгисига алмаштириш каби турли хизмат кўрсатиш турлари киритилди. Шу тариқа, мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсда бошланган ишлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Бу даврга келиб нафақат тадбиркорларга, балки аҳолига ҳам энг зарур ва талаб юқори бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиш мақсадида республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарларини камраб олган Халқ қабулхоналари ҳузуридаги давлат хизматлари марказларининг ягона тармоғи яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарори билан мамлакатда давлат хизмати кўрсатиш соҳаси янада такомиллаштирилди.

#### **Бу қарорда асосан қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:**

– давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини янада унификациялаш ва автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратишга ягона технологик ёндашувни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожлантириш ва жорий этиш;

– ягона давлат реестрига киритилган барча давлат хизматлари бўйича бизнес жараёнларининг реинжинирингини амалга

ошириш орқали давлат хизматларини кўрсатиш жараёнидаги тартиботларни ва уларни кўрсатиш муддатларини тубдан қисқартириш, бланк ва шаклларни сезиларли даражада оптималлаштириш;

– давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилган ходимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сўзсиз, вақтида ва сифатли бажаришини таъминлаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, ҳозирги замон талабларига мувофиқ ишлаш кўникмаларини ва маданиятини ошириш, улар ишини объектив баҳолаш механизмларини жорий этиш;

– юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари ва ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатишда иштироклари бўйича ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан масъулиятларини ошириш;

– бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан ўстувор равишда ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, электрон давлат хизматларини жорий этиш учун фойдаланиш<sup>5</sup>.

Бу даврга келиб давлат хизмати агентликлари ва уларнинг қуйи бўлинмалари фуқаролар билан 12 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказди. Уларда деярли 400 мингга яқин аҳоли иштирок этди. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича яратилган миллий тизим ва унинг аҳамияти ҳақида барчани хабардор қилиш мақсадида аҳоли гавжум бўлган жойларда, автомобиллар серкатнов бўлган йўллар ёқасида, йирик савдо мажмуалари, бозорлар ва бошқа жойларда 3770 дан ортиқ реклама баннерлари намоиш этилди. Республика бўйича ўрнатилган 50 га яқин мониторларда давлат хизматлари фаолиятига оид лавҳалар бериб борилди. Шунингдек, марказлар фаолияти тўғрисида батафсил маълумот бериш учун намунавий стендлар ва тарғибот лавҳалари тайёрланиб, улар 7 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар ва гузарларга ўрнатилди.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 12 декабрь 2017 й.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2017 й., 06/17/5278/0404-сон, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 11 апрель 2018 й.// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.04.2018 й., 07/18/3662/1060-сон, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон, 05.10.2018 й., 07/18/3961/2002-сон; 11.01.2019 й., 06/19/5624/2471-сон.

**2019 йил 19 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари тўғрисидаги низомга биноан уларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди:**

– аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими амал қилишини таъминлаш;

– фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ҳукуматга, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларига, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

– Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис, ўз вақтида кўриб чиқилиши, шунингдек уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганишда аниқланган муаммоларнинг ҳал этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

– уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганишда аниқланган муаммолар ҳамда Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарига (бундан буён — туман (шаҳар) Халқ қабулхоналари) келиб тушган, тегишлилиги бўйича давлат органларига юборилган мурожаат-

ларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

– уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганишда аниқланган муаммолар ва мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

– туман (шаҳар) Халқ қабулхоналари бошчилик қиладиган секторлар штаблари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳларнинг ҳудудларни маҳаллалар ва хонадонлар (оилалар) кесимида таҳлил қилиш, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа (1 йиллик) ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

– ҳудудларда мурожаатлар билан ишлаш, сайёр шахсий ва оммавий қабуллар ўтказиш тизимини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

– жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотларни жалб қилган ҳолда ҳудудлардаги ижтимоий муҳитни ўрганиш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал қилишда очиқлик, шаффофлик ва холисликни таъминлаш чораларини кўриш<sup>6</sup>.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, 2017-2019 йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди: инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир ҳуқуқий асослар ривожлантирилди, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролар манфаатларини ифода этувчи институтга айлантириш, аҳолининг ташвиш ва муаммоларини ҳукуматга етказиш механизмларини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти органларини халққа хизмат кўрсатиш органлари сифатида қайта шакллантириш, мамлакатнинг хорижий давлатларга очиқлигини таъминлаш, жамият ва давлат қурилиши ислохотларига халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатларда шаклланган демократик кадриятларни қўллаш ва бошқа туб ўзгаришлар амалга оширилди.

<sup>6</sup> 2019 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2019 й., 07/19/4197/2641-сон.



# ИЖТИМОЙ ҲАЁТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ТУРИЗМНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Фарҳоджон БОЙМАТОВ\*

**Аннотация.** Мақолада демократик жамиятда туризмнинг ўрни ва роли халқаро ва миллий қонунчилик асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** туризм, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Гаага декларацияси.

**Аннотация.** В статье анализируется место и роль туризма в демократическом обществе на основе международного и национального законодательства.

**Ключевые слова:** туризм, Всеобщая декларация прав человека, Гагская декларация.

**Annotation.** The article analyzes the place and role of tourism in a democratic society based on international and national legislation.

**Keywords:** tourism, Universal Declaration of Human Rights, The Hague Declaration.

Ижтимоий ҳаётнинг демократлашувида, аввало, халқ турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини сақлаган ҳолда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Яъни демократик давлатда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиши, давлат ҳокимияти эса фақат халқ манфаатларини кўзлаб, Конституция ва унинг негизида қабул қилинган қонунлар асосида фаолият юритиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига эътибор қаратсак, айнан ана шу тамойил мустаҳкамлаб қўйилганига амин бўламиз<sup>1</sup>.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қайта-қайта таъкидлаётган, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган демократик ғоя ҳам мамлакатимизда халқ манфаатлари, демакки инсон ҳуқуқлари олий кадрият, давлат идоралари фаолиятини ташкил этишнинг асосий мезони эканидан далолат беради.

Таъкидлаш ўринлики, мустақиллик йилларида юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим

яратилди. Унинг самарали фаолият юритиши эса кўплаб омилларга, жумладан Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётимизнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши тушунамиз. Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир”<sup>2</sup>.

Бугунги глобаллашув даврида инсоннинг саёҳат қилиш ва ҳордиқ чиқаришдан иборат шахсий ҳуқуқлари асосида шаклланган туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан саналади.

Инсон ҳуқуқларини кафолатловчи энг муҳим халқаро ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 24-моддасида белгиланганидек, “Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш

\* Фарҳоджон Бойматов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таянч докторанти (PhD).

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / <http://constitution.uz>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / <http://uza.uz/oz/politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>.



ҳуқуқига эга”<sup>3</sup>. Инсонларнинг ана шу ҳуқуқларидан тўқинликсиз фойдалана олиши туризм иқтисодий тармоғининг ривожланишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг тан олган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари мамлакатимиз миллий қонунчилигига имплементация қилиниб, унинг барча асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституциямизнинг иккинчи бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланади. Иккинчи бўлимнинг илк моддаси – Конституциямизнинг 18-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этноқиёди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”<sup>4</sup>.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари кўплаб халқаро ҳужжатларда ҳам мустаҳкамланган. Жумладан, 1989 йилда Нидерландияда бўлиб ўтган парламентлараро конференцияда қабул қилинган Туризм бўйича Гаага декларациясида Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар, барча одамлар учун туризмни ривожлантириш орқали тинчлик ва фаровонликни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш мақсадларига хизмат қилиши қайд этилган<sup>5</sup>.

Гаага декларациясининг бешинчи тамойилига кўра, “Ҳар бир инсоннинг дам олишга, бўш вақтини мазмунли ўтказишга, ўз иш вақтини онгли равишда тартибга солишга, даврий равишда ҳақ тўланадиган таътилга чиқишга, шунингдек, қонунда кўзда тутилган ва эркинлик принципларига монъелик қилмайдиган чекловларни назарда тутувчи эркин саёҳат қилишга бўлган ҳуқуқини умумэтироф этиш лозим”<sup>6</sup>. Шунингдек, декларациянинг еттинчи тамойилида, “Ҳар бир мамлакатда сайёҳлар ҳимоясига қаратилган юридик талаблар қонунчилик тизимларида кўзда тутилган қоидаларга мос равишда амалга оширилиши,

жумладан сайёҳларнинг шахсига ёки мол-мулкига, айниқса, терроризм каби хавфли ҳаракатлардан зарар етказилганда сайёҳларнинг миллий суд тизимида самарали суд ҳимоясига эга бўлиши таъминланиши зарурлиги”<sup>7</sup> белгилаб қўйилган.

Шу ўринда 2018 йил 20 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Қашшоқликни тугатиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун барқарор туризмни, шу жумладан экотуризмни ривожлантириш” резолюциясига эътибор қаратсак. Резолюцияда туризмга Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшадиган фаолият тури сифатида қаралади. Туристик ресурсларни масъулият билан бошқариш, мувозанатсиз туризмнинг салбий таъсирини бартараф этиш, экологик ва ижтимоий-маданий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, туризм соҳасида барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш моделларининг интеграциясини таъминлаш зарурлиги қайд этилади. 2030 йилга қадар мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари қашшоқликни тугатиш, тенгсизлик ва адолатсизликка қарши курашиш, иқлим ўзгариши муаммосини ҳал этишга қаратилган. Жаҳон иқтисодиётининг деярли 10 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келишини инобатга олсак, туризмнинг ривожланиши Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга кўмаклашади<sup>8</sup>.

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантиришга, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори<sup>9</sup>, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, саёҳат қилиш аввало ҳар бир инсоннинг шахсий ҳуқуқи; туризм эса нафақат иқтисодиёт тармоғи, балки сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий таъсир кучига эга бўлган фаолият туридир. Юртимизда туризмни ривожлантириш ҳам халқаро, ҳам миллий манфаатларимизга тўла мос келади.

<sup>3</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Адолат”, 2018. – 27-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 9-бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Гаагская декларация по туризму / <http://docs.cntd.ru/document/901737419>

<sup>6</sup> Ўша манба.

<sup>7</sup> Ўша манба.

<sup>8</sup> Қаранг: Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг расмий веб-сайти / <http://media.unwto.org/press-release/2018-07-23/unwto-launches-online-platform-achieve-sdgs-through-tourism>

<sup>9</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/3422680>

# “МУРОЖААТЛАР” ТУШУНЧАСИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ

Олим ФАЙЗИЕВ\*

Бугунги кунда халқимиз ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот тизимини яратиш, янги “қайта алоқа каналлари”ни ташкил этиш, ҳокимият институтларига жамоатчилик ишончини ошириш мақсадида давлат аппарати фаолиятининг ахборот таъминотини яхшилаш заруратига тез-тез мурожаат қилинмоқда. Хусусан, фуқаро ва ҳокимият тузилмаларининг ўзаро алоқаларида энг мақбул механизмни жорий қилиш ҳам республика даражасида, ҳам маҳаллий даражадаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларга мурожаат этишга оид сиёсий ҳуқуқнинг асосини ташкил қилувчи норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқининг мазмуни ва моҳиятини ёритишда, аввало, “мурожаат” тушунчасига аниқлик киритиш талаб этилади. Изоҳли луғатларда мурожаат деганда, кўриб чиқиш, такқослаш, солиштириш, бирор нарса сўраш, ишни қайта кўриш, бировга қарата айтилган гап, қилинган даъват, чақириқ ва шу кабилар тушунилиши, мурожаат қилмоқ деганда эса, бирор иш, илтимос, чақириқ ва шу кабилар билан бировга қарата оғзаки ёки ёзма сўз айтмоқ тушунилиши баён этилган<sup>1</sup>.

Юридик адабиётларда эса, “мурожаат” умумлашма тушунча бўлиб, фуқароларнинг бевосита

ўзи мурожаат этиши, шунингдек, давлат органларига ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига якка тартибдаги ва жамоавий мурожаатларни юборишда ифодаланган конституциявий ҳуқуқ тушунилади<sup>2</sup>. Мазкур тушунчанинг умумлашмалиги шундан иборатки, амалдаги қонун ҳужжатлари бундан олдин қабул қилинган ҳужжатлар каби фуқароларнинг уч хил мурожаат шаклини белгилайди: ариза, таклиф ва шикоят.

Таъкидлаш лозимки, мурожаат қилиш тушунчаси, унинг белгилари юзасидан бугунги кунга қадар миллий ва халқаро миқёсда методологик ва қонунчилик нуқтаи назаридан ягона ёндашув мавжуд эмас.

Жумладан, С.Юсуповнинг таъкидлашича, мурожаат қилиш ҳуқуқи шахснинг белгиланган тартиб ва шаклда мурожаатнома бериш, унинг белгиланган муддатда кўриб чиқирилишини талаб қилиш, мурожаатини кўриб чиқиш жараёни тўғрисида ахборот (маълумот) олиш, текширув материаллари билан танишиш борасидаги қонун билан кафолатланган ҳамда ҳимоя қилинадиган имконияти эканлиги кўрсатиб берилган<sup>3</sup>. Кўриниб турибдики, бунда муаллиф мурожаат қилиш ҳуқуқини бир нечта ҳуқуқлар мажмуини акс эттирган институт сифатида қайд этган.

С.В.Васильева мурожаатларга давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан аҳолининг алоқаларини мустаҳкамлаган ҳолда шахс ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш воситаси деб таъриф беради<sup>4</sup>. Бунда муаллиф мурожаатнинг иккита муҳим белгисига урғу беради, яъни мурожаатлар,

\* Олим Файзиев – Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.2. Е–М. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 645 бет.

<sup>2</sup> Юридическая энциклопедия. / отв. Ред. Б.Н.Топорнин. – М.: Юрист, 2001. – С. 640.

<sup>3</sup> Юсупов С.Б. Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 11.

<sup>4</sup> Васильева С.В. Право граждан и организаций на обращение: нормативная модель и практика реализации. // Законодательство и экономика. – 2005. – № 5. – С. 42.

бир томондан, давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда зарур бўлган ахборот манбаи ҳисобланса, бошқа томондан, фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиши кафолатларининг муҳим шаклларида бири саналади.

А.А.Драков ва А.П.Любимоваларнинг фикрича, мурожаат қилиш ҳуқуқи – бу фуқаро (чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс)нинг оғзаки ёки ёзма равишда таклиф, ариза, илтимоснома, шунингдек, шикоят билан ушбу масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳисобланади<sup>5</sup>. Бунда муаллиф мурожаатлар тушунчасига анъанавий таъриф бериб, унинг мақсади ва хусусиятларини тўлиқ камраб олмаган.

Бошқа олимлар томонидан мурожаатларга таъриф нисбатан тўлиқ баён этилган. Жумладан, И.Е.Попов мурожаат қилиш ҳуқуқининг иккита жиҳатига эътибор қаратади: 1) фуқаронинг давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига фаол таъсир кўрсатиш имконияти; 2) ариза ва шикоятлар бериш орқали бузилган ҳуқуқларни тиклаш йўли<sup>6</sup>. Шунингдек, М.В.Скрябинанинг фикрича, мурожаат қилиш – бу ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш мақсадида шахснинг оғзаки ёки ёзма, индивидуал ёки жамоавий равишда оммавий ҳокимият органларига мурожаат қилишга доир ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади<sup>7</sup>. Бунда муаллиф мурожаат қилиш шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилишини қайд этади. Бу борада С.А.Широбоков эса, мурожаатлар ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш, таъминлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш мақсадида амалга оширилишини қайд этади (*мурожаатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ, ҳуқуқ ва эркинликларни амалга*

*ошириш, таъминлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш мақсадида давлат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига аниқ ҳаракатларни амалга ошириш бўйича шахснинг иродасини ифодалаш шакли ҳисобланади*<sup>8</sup>).

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунида мурожаатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш (*ариза*), тиклаш ва ҳимоя қилиш (*шикоят*) ҳамда давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш (*таклиф*) мақсадида<sup>9</sup> амалга оширилиши норматив жиҳатдан тан олинган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган мурожаат қилиш ҳуқуқининг қуйидаги хусусиятларини алоҳида ажратиш мумкин:

1) *мурожаат қилиш ҳуқуқи бошқа конституциявий ҳуқуқлар қатори асосий ҳуқуқ ҳисобланади*. Бу унинг бугунги кунда ҳуқуқий тизимда ижтимоий-ҳуқуқий кадрият даражасига кўтарилганини англатади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси матнида “асосий ҳуқуқлар” сўзи инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликларига нисбатан қўлланилмаса ҳам, ушбу терминлардан фойдаланиб келинади. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий хусусияти шундан иборатки, улар давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги ҳаёт ва фаолият соҳалари билан боғлиқ энг муҳим муносабатларни боғлаб туради. Бироқ асосий ҳуқуқ давлатнинг Асосий қонунида белгиланмаган бўлса, фақат мазмунан асосий ҳуқуқ ҳисобланиб, юридик жиҳатдан шундай ҳуқуқ тариқасида тан олинмайди. Л.Д.Воеводиннинг асосли таъкидлашича, “Конституцияда ўз аксини топган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам аслида юридик жиҳатдан асосий ҳуқуқлар ҳисобланади”<sup>10</sup>;

2) *мурожаат этиш конституциявий ҳуқуқи бошқа қонун ҳужжатлари нормаларида белгилан-*

<sup>5</sup> Любимова А.П. Гражданский лоббизм: процедуры и технологии обращения граждан. – М., 1998.; Дворак А.А. Реализация конституционного права граждан на обращения в Российской Федерации: Дисс... канд. юрид. наук. – М., 2004.

<sup>6</sup> Попов И.Е. Институт права граждан на обращения в органы власти: проблемы понятие и принципиальные особенности. // Вестник Южно-Уральского государственного университета, № 6, 2009. – С. 94.

<sup>7</sup> Скрябина М.В. Понятие и сущность права на обращение в органы публичной власти в Российской Федерации. // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2006. – № 4 (32). – С. 161.

<sup>8</sup> Широбоков С.А. Конституционное право человека и гражданина на обращения: Автореф. Дисс... канд. Юрид. наук. – Екатеринбург, 1999.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 977-модда.

<sup>10</sup> Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. Учебное пособие. – М.: МГУ, Инфра М-Норма, 1997. – С. 148.

ган ва ушбу ҳуқуқдан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар учун ҳуқуқий база ҳисобланади. Конституциямиз ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасини тартибга солишнинг асосий қоидаларидан иборат, чунки уларга асосан умумий таъриф берилган. Бироқ, шу билан бирга, ушбу қоидалар мазмунан аниқ бўлиши ҳамда турли хил маъноларни келтириб чиқармаслиги талаб этилади. Фақат шундагина улар конституциявий нормаларни такомиллаштиришга қаратилган амалдаги қонунлар учун йўл очиб беради. Л.Д.Воеводиннинг таъкидлашича, конституциявий ҳуқуқ ва бошқа қонун ҳужжатлари тармоқ ҳуқуқлари нисбати бутун ва унинг қисмини таққослашдан фарқ қилиб, уларни солиштириб бўлмайди<sup>11</sup>. Бу мурожаат этиш конституциявий ҳуқуқининг мурожаат этиш ҳуқуқидан келиб чиқувчи барча ҳуқуқ гуруҳларининг асосий ривожланиш йўналишини белгилашдан иборат бўлиб, ҳар бир тармоқ ҳуқуқи мустақил характерга эга ҳисобланади<sup>12</sup>. Мурожаат этиш конституциявий ҳуқуқи аслида ундаги мавжуд ғояларни амалга ошириш имкониятини беради;

3) *мурожаат этиш конституциявий ҳуқуқи олий юридик кучга эга*. Бу бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган барча ҳуқуқлар кўриб чиқилаётган ҳуқуққа мувофиқ бўлиши кераклигини билдиради. Бунда, улар айнан бир хил бўлиши талаб этилмайди. Аксинча, улар шахс, жамоа ва жамиятнинг турли хил эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги туфайли мурожаат қилиш ҳуқуқини тартибга солувчи қоидаларнинг хилма-хил бўлишини талаб қилади. Бундан ташқари, мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги ҳеч ким Конституция ёки у асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига зид ҳуқуқларга эга бўлиши ёки унга шундай мажбуриятлар юкланиши мумкин эмаслигини назарда тутади;

4) *мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилинади*. Мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминловчи қонуннинг мавжуд-

лиги ўз-ўзидан шундай ҳуқуқни амалга ошириш қафолати ҳисобланади. Давлатда мавжуд бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш бўйича барча қафолатлар ўзаро ягона таъсир механизмини ташкил этиши лозим.

Юриспруденция илмида мурожаатларни тушуниш бўйича турли назариялар мавжуд. Жумладан, аксарият олимлар томонидан “*Мурожаатлар – фуқаро ва давлат ўртасида қайта алоқа канали*” назарияси илгари сурилган<sup>13</sup>. Маълумки, давлат ва инсон, давлат ва жамиятнинг ўзаро алоқалари – жуда кенг ва кўп маъноли тушунчалар ҳисобланади. Жумладан, агар инсон бирор давлат институти билан муносабатга киришса, у давлатнинг ўзи билан алоқага киришган ҳисобланади. Шу сабабли, фуқаронинг ҳокимият органи билан муносабатларида унинг шакли ва даражасидан катъи назар, жуда муҳим аҳамият касб этади<sup>14</sup>.

#### **Фуқаронинг давлат билан алоқалари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:**

- 1) барча даражадаги ҳокимият органларига сайлов;
- 2) судларга даъво аризалари;
- 3) лоббизм;
- 4) солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш;
- 5) давлат органлари талабларини мунтазам равишда бажармаслик;
- 6) коррупция ҳолатлари;
- 7) статистик маълумотларни тўплаш;
- 8) жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар;
- 9) давлат органлари ва мансабдор шахсларига мурожаатлар.

Қайд этилганлардан 4 тасида “қайта алоқа” механизмлари мавжуд бўлиб, уларнинг икkitаси – давлат органлари талабларини мунтазам равишда бажармаслик ва коррупция ҳолатлари салбий хусусиятга эга бўлса, икkitаси – даъво

<sup>11</sup> Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. Учебное пособие. – М.: МГУ, Инфра М-Норма, 1997. – С. 149.

<sup>12</sup> Лоншаков Ю.С. Теоретические основы права граждан на обращение: понятие, содержание, признаки, взаимосвязь с политическими правами. // Бизнес в законе. – 2010. – № 2. – С. 142.

<sup>13</sup> Формирование системы бесплатной юридической помощи в Российской Федерации / Под ред. Г.Н.Чеботарева. – Тюмень, 2012. – С. 289.; Соловьева С.Г., Попов И.Е. О совершенствовании законодательства об обращениях граждан. // Российский юридический журнал. – 2010. – № 2. – С. 34-35.; Румянцева В.Г., Им В.В. Институт обращений в органы государственной и местной власти: понятие, сущность и содержание. // История государства и права. – 2008. – № 14. – С. 3.

<sup>14</sup> Старцев Я. Артикулирование требований и проблема институционализации обратной связи в российской политической системе. // Сравнительное конституционное обозрение. – 2007. – № 3. – С. 146.



аризалари ва мурожаатлар, аксинча, ижобий хусусият касб этади.

Ю.Хрумалова ва М.Михайловскийнинг қайд этишича, “Мурожаатлар давлат учун жамиятнинг эҳтиёжи ва заруратиға ўз вақтида ва сифатли таъсир кўрсатиш мақсадида муҳим ахборот манбаи, шахс эркинлиги ва манфаатларини қаноатлантириш учун аҳоли билан самарали алоқа воситаси ҳисобланади”<sup>15</sup>.

Бунда, бир томондан, давлатнинг ижтимоий муносабатларга таъсири ва унинг мазмуни ўрта-сидаги мувофиқликни текширишга эришилади, иккинчи томондан сифатли жамоатчилик назорати таъминланади.

“Мурожаатлар – фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш шакли” назарияси тарафдорларининг фикрича, мурожаатнинг муҳим жиҳати унинг фуқаронинг давлат ва жамоат ишларини ҳал қилишда иштирок этиш шакли, фуқаронинг давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига фаол таъсир кўрсатиш имкониятлари сифатида тавсифланиши ҳисобланади<sup>16</sup>.

Мурожаатлар институтининг мазмунини фуқаронинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имконияти, ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, давлат билан қайта алоқа каналларидан фойдаланиш, шунингдек, ўзаро боғлиқ ҳолда бошқа конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни назарда тутувчи комплекс характер касб этади<sup>17</sup>. Объектив жиҳатдан мурожаатлар ҳар кимга давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, ўзининг фикрлари ва қарашларини билдириш, бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларнинг реализациясини ифодалайди. Субъектив томондан мурожаатлар институти муайян ваколатлар мажмуини ўзида муҷассамлаштиради.

Жумладан, бунда қуйидаги ваколатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ҳуқуқи;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар бериш ҳуқуқи;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан бошқа қарорларни қабул қилиш ва бекор қилиш ёки ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўзининг ташаббусини илгари суриш ҳуқуқи;

– муайян ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш мақсадида ҳокимият органи ҳаракатларига ёрдамлашиш ҳуқуқи;

– ўзининг ҳамда бошқа шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи;

– ўзига маълум бўлган қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида хабар бериш ҳуқуқи.

А.П.Сунцов ва А.А.Мишунина мурожаат қилиш ҳуқуқи халқ ҳокимиятини амалга ошириш шаклларида бири эканлигини таъкидлайди<sup>18</sup>. Бунда фуқаролар ўзларининг таклифлари ва ташаббуслари билан мурожаат қилган ҳолда давлат органлари томонидан қарорлар қабул қилишда иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилади.

“Мурожаатлар – давлат функциясини амалга ошириш шакли” назариясига кўра, мурожаат қилиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти фуқароларнинг давлатдан баъзи хизматларни талаб қилиш, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий тартибда шикоят қилиш ваколатида намоён бўлади<sup>19</sup>. Ушбу назария тарафдори

<sup>15</sup> Хрумалова Ю.В. Право граждан на обращение в органы государственной власти как форма обратной связи между населением и государственным аппаратом. // Гражданское общество в эпоху глобальной информатизации: докл. и матер. III Международной молодежн. науч. конф. – М., 2011. – С. 284.; Михайловский М. Обращения граждан и организаций – источник информации для законодательной деятельности. // Проблемы теории и практики управления. – 2011. – № 5. – С. 8.

<sup>16</sup> Третьяков И.А. Место конституционного права на обращения в системе основных прав и свобод человека и гражданина. // Юристъ-правоведъ. – 2010. – № 2. – С. 16.

<sup>17</sup> Румянцев В.Г., Им В.В. Институт обращений граждан в органы государственной и местной власти: понятие, сущность, содержание. // История государства и права. – 2008. – № 14. – С. 2.

<sup>18</sup> Формирование системы бесплатной юридической помощи в Российской Федерации. / Под ред. Г.Н.Чеботарева. – Тюмень, 2012. – С. 289.

<sup>19</sup> Васильева С.В. Право граждан и организаций на обращение. Нормативная модель и практика реализации. // Законодательство и экономика. – 2005. – № 5.



Н.Г.Савостина мурожаатларнинг реализациясини давлат функциясининг бажарилиши деб ҳисоблайди ва мурожаат қилиш ҳуқуқи шахсий, давлат ва жамоат манфаатларини қондириш имкониятини кўрсатишини қайд этади<sup>20</sup>. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратни кучайтиришга, уларнинг ишидаги турли камчиликларга қарши курашишга ёрдам беришини эътироф этиш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

“Мурожаатлар – бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш воситаси” назарияси тарафдорларига кўра, мурожаатларнинг асосий моҳияти унинг бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш воситаси эканлигидан иборат<sup>21</sup>. Шу маънода фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи С.А.Широбоков томонидан қайд этилганидек, шахснинг хоҳиш-иродасига кўра ёзма ёки оғзаки равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга асосан давлат органларига ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш, таъминлаш, ҳимоя қилиш ёки тиклаш мақсадида амалга оширилади<sup>22</sup>. Ушбу назарияга аналогик тарзда Н.И.Гритчина мурожаатларни инсон ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми сифатида

эътироф этади<sup>23</sup>. Яъни фуқаро мурожаатлар орқали муайян ҳуқуқларни амалга оширади, ҳимоя қилади ва уларни тиклайди.

**Шундай қилиб, мурожаатларнинг бир неча жиҳатлари мавжуд:**

- 1) фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро алоқа шакли;
- 2) фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки шакли;
- 3) давлат хизмати (функцияси)ни амалга ошириш воситаси;
- 4) бузилган ҳуқуқларни амалга ошириш, таъминлаш, ҳимоя қилиш ва тиклаш усули;
- 5) бепул юридик ёрдам олиш шакли.

Таъкидлаш лозимки, мурожаатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, аҳолининг давлат аппарати билан муносабатларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши, давлат ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, бюрократия ва сарсонгарчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятларининг давлат аппаратида келиб тушиши, давлатда қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак:**

**биринчидан,** мурожаат этиш ҳуқуқи жисмоний ва юридик шахсларнинг фундаментал сиёсий ҳуқуқи ҳисобланиб, шахснинг конституциявий ва маъмурий-ҳуқуқий мақомининг муҳим элементи саналади;

**иккинчидан,** мурожаат этиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри демократиянинг бир шакли ҳисобланиб, ўзида барча муҳим функцияларни мужассам этган ҳолда шахснинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун шароит яратади.

<sup>20</sup> Савостина Н.Г. О некоторых аспектах правового регулирования права граждан на обращение в органы государственной власти. // Государственная власть и местное самоуправление. – 2010. – № 9. – С. 22.

<sup>21</sup> Тепляков Д.О. Сущность и понятие права граждан на обращение. // Евразийский юридический журнал. – 2014. – № 11 (78). – С. 14. // www.naukarus.com

<sup>22</sup> Широбоков С.А. Конституционное право человека и гражданина на обращения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 1999. – С. 8.

<sup>23</sup> Гритчина Н.И. Проблемы реализации законодательства об обращениях граждан в органы местного самоуправления. // Современное право. – 2012. – № 6.

# ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Мухаббат САЛИЕВА\*

Глобаллашув жараёнлари ва ахборот коммуникация воситаларининг мисли кўрилмаган ривожидавлатлар ва халқлар ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга кучли туртки бўлмоқда.

Мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсон манфатларини таъминлаш ва кафолатлаш алоҳида аҳамиятга эга. Шундай экан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказишда ушбу қонунларнинг кишилар онига таъсирини кучайтиришда ҳуқуқий коммуникациянинг аҳамиятини мустаҳкамлаш зарурати долзарб масала бўлиб турибди.

Инсон ҳуқуқларини тушуниб етиш учун нихоятда муҳим бўлган одамларнинг табиий тенглиги ғоялари қадим юнон мутафаккирлари (Протагор, Антифон, Ликофрон) ва қадим Хитой донишмандлари (Мао-Цзи, Конфуций) сиёсий ҳамда ҳуқуқий таълимотларида эрамиздан олдинги VI-IV асрлардаёқ илгари сурилган. Демак, ўша давлардаёқ ҳуқуқий коммуникациянинг илк шакллари ривожланган десак муболаға бўлмайди. Ҳуқуқ субъекти ва қонун олдидаги тенглик тушунчалари қадимги Рим ҳуқуқшуносларига тегишли бўлиб, Цицерон доимий равишда ўз маърузаларида “Ҳамма қонун таъсирида бўлиши керак”, деб таъкидлаган<sup>1</sup>. Шуни қайд этиш лозимки, қадимги Юнонистон ва қадимги Рим қонунчилигида мутафаккирларнинг мазкур масала юзасидан қарашлари айнан ўз ифодасини топмаганлиги айтилади. Бугунга келиб бу масалалар замонавий дунёқараш асосида қайта-қайта устувор масала сифатида бош мезон бўлиб турибди.

Инсон ҳуқуқлари концепциясининг шаклланишида жамиятнинг тараққиёт тарихи билан бевосита уйғунлиги узоқ тадрижий такомил йўлини бошиб ўтди. Бунинг ибтидоси инсоннинг ўзини қуршаб турган атроф муҳитдаги ҳатти-ҳаракатларни

тартибга солиб туриш заруриятини тақозо этувчи илк жамоавий ҳаёт шаклларида кузатилади.

Цивилизация натижасида фуқаролик тушунчаси шахс билан давлат ўртасидаги барқарор ва доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари инъикоси сифатида таърифланади. Бундай алоқалар инсон ва фуқароларнинг кадр-киммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланади.

Инсон ҳуқуқларининг табиий-ҳуқуқий концепциясини шакллантиришда XVI-XVIII асрларда яшаб ўтган инглиз Локк, америкалик Пэйн ва Жефферсон, французлар Руссо, Монтескье, Вольтер, голландиялик Гроций каби маърифатпарвар мутафаккирлар етакчи ўрин тутадилар.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари минтақавий мақомдаги, масалан, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа конвенцияси (1950), “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги Америка конвенцияси (1969), “Инсон ва халқ ҳуқуқларининг Африка Хартияси”(1981), “МДҲ давлатларининг инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси (1995) каби кўпгина халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган<sup>2</sup>.

Ҳозирда демократик ривожланиш йўлидан кетаётган ҳар бир давлатнинг қанчалик демократик кадрият ва принципларга содиқлигини кўрсатувчи мезонлардан бири бу – инсон ҳуқуқларининг ҳимояланганлигидир. Замонавий ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш ва таъминлашдан иборат.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга қаратилган фаолиятлар учун асос бўлиб қолди. Инсоннинг асосий фундамен-тал ҳуқуқлари универсал халқаро шартномалар

\* Мухаббат Салиева – филология фанлари номзоди.

<sup>1</sup> Бобоев Х.Б. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. –Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 84-бет.

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. –Т.: Ўзбекистон. 2001. – 90-бет.

(1966 йилги “Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги, 1966 йилдаги “Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактлар ва бошқалар)да мустаҳкамлаб қўйилган<sup>3</sup>. БМТ, ХМТ ва ЮНЕСКОнинг аҳоли айрим гуруҳларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тартибга солувчи конвенциялари (БМТнинг “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги 1952 йилги конвенцияси, “Ёш болалар ҳуқуқлари тўғрисида”ги 1989 йилги конвенцияси, ЮНЕСКОнинг “Таълим соҳасидаги камситишлар тўғрисида”ги 1960 йилги конвенцияси, ХМТнинг “Кўчиш соҳасидаги суиистеъмоликлар ва кўчиб юрувчиларга имкониятларни ҳамда муомала тенглигини таъминлаш тўғрисида”ги конвенцияси ва ҳақозо) инсон ҳуқуқлари соҳасида кодекслаш жараёнининг амалга оширилишига салмоқли ҳисса қўшди<sup>4</sup>. Ҳозирги пайтда БМТнинг инсон ҳуқуқлари борасида 70 га яқин конвенцияси мавжуд.

Халқаро ҳужжатларни ратификация қилувчи давлатлар учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кодекс тузиш фаолияти фақатгина халқаро андозалар миқдорини кўпайтиришга хизмат қилмасдан, уларни давлат қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйишга қаратилган миллий меъёрий ҳужжатларни яратиш жараёнларини фаоллаштиради.

ЕХХКнинг 1975 йилги Хельсинки Якунловчи Акти, ЕХХКнинг инсоний мезонлар Кенгаши, 1991 йили Москва конференцияси ҳужжатларида, “Инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия, қонуннинг устуворлигига тааллуқли масалалар халқаро хусусиятга эга бўлиб, муайян давлатнинг ички ишларигагина тегишли эмас”<sup>5</sup>лиги бевосита таъкидланади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича барча асосий халқаро ҳужжатларни тан олди ва БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди. Академик А.Саидов таъкидлаганидек: “Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш муаммоси фақат давлатнинг эмас, балки бутун жамиятнинг диққат марказидадир. Амалдаги қонунчилик доирасида фуқаролик жамияти институтлари қонунчиликни такомиллаштиришда, аҳолининг ижтимоий эҳти-

ёжманд қатламлари ҳуқуқлари мониторингида, ахборот-маърифий фаолиятда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича миллий даврий ва муқобил маърузалар тайёрлашда иштирок этади”<sup>6</sup>.

Таъкидлаш ўринлики, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ҳуқуқий коммуникация тизимининг самарадорлиги ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришимиз керак”<sup>7</sup>, – дея таъкидлайди.

Замонавий демократик давлат қуриш замирида ижтимоий, иқтисодий, маъданий, маърифий, маъмурий, илмий, таълимий, оммавий ҳуқуқий коммуникация шакллари билан бир қаторда сиёсий ва ҳуқуқий коммуникация катта аҳамиятга эга бўлиб, у халқ билан давлат ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Амалдаги барча жараёнларни уйғунлаштириб, ҳаёт кўзгусига айланади.

Қайд этиш лозимки, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тизими шаклланди. Конституция, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро битимларда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро нормалар ва андозалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон қонунларининг негизи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Айни пайтда мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига оид 70дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларга қўшилган. Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фаолияти, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва мажбуриятлари, шунингдек, қатор бошқа жиҳатларини ҳам тартибга солади.

<sup>3</sup> Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. –Т.: Ўзбекистон. 2001. – 87-88-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша манба – 88-бет.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Саидов А.Х. Декларация тамойиллари ва қадриятларига эҳтиром тимсоли, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлари” олдидан тайёрланган нутқида.<https://soglom.uz>.

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш.М. Ҳаракатлар стратегияси. 2017-2021/ 2017 йил-шиддатли ҳаракатлар йили. –Т.: Адолат. 2018. – 45-бет.

Конституциямизнинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Унда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилади. Мустақиллигимизнинг илк даврларидан бошлаб юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қафолатлаш қуйидаги тамойиллар асосида амалга ошириб келинмоқда:

**биринчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

**иккинчидан**, инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро нормалар асосида такомиллаштириш;

**учинчидан**, қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

**тўртинчидан**, суд ислохотларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

**бешинчидан**, аҳоли айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш<sup>8</sup>.

Мазкур тамойиллар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳозиргача муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

**Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланган:**

**биринчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэтироф этилган ғоялар ва қадриятларга ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлик;

**иккинчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган асосий миллий манфаатлардан келиб чиқиши;

**учинчидан**, шахс манфаатлари устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Конституциясида мустақамланган шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанати принципи;

**тўртинчидан**, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги барча ислохот-

ларнинг тадрижий босқичма-босқич амалга оширилиши ва тизимлилик хусусияти;

**бешинчидан**, алоҳида тоифадаги шахслар: болалар, ёшлар, аёллар, имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги;

**олтинчидан**, очиқлик ва ошкоралик;

**еттинчидан**, давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан ижтимоий ҳамкорлиги;

**саккизинчидан**, инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол халқаро ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги катта миқдордаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Конституция, конституциявий қонунлар, кодекслар, қонунлар, қонуности ҳужжатлари) дан ташкил топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, унда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган инсон ҳуқуқларининг барча асосий тамойиллари ўз аксини топган. Конституцияга мувофиқ комплекс қонунлар, жумладан 15 кодекс ва 600 дан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тасдиқланмоқда ва аниқлаштирилмоқда.

Ҳар йили давлат дастурларини амалга оширишда асосий эътибор парламент ва сиёсий партияларнинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик институтларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга йўналтиришга давлат ва жамият қурилишини тубдан ислох этишга қаратилиши, “кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг акс садоси бўлиб янграйди.

Ҳулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларининг халқаро асослари узоқ йиллар мобайнида шаклланган. Мустақил мамлакатимизда эса халқаро ҳуқуқ талаблари асосида яратилган конституциявий ва миллий қонунчилик нормалари билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатланган. Мавжуд қонунларнинг амалиётга самарали татбиқ этилиши кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Бунда оммавий коммуникация воситалари муҳим аҳамиятга эга.

<sup>8</sup> Саидов А.Х. Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари –Т.: Адолат. 1998. – 6-бет.

# ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ИСЛОХОТЛАРИ: СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Наргиза КАСИМОВА\*

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган суд тизимидаги ислохотлар, жумладан Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти атрофлича таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** суд, судья, Судьялар олий мактаби.

**Аннотация.** В статье дается углубленный анализ текущих судебных реформ в нашей стране, в том числе создание и функционирование Высшей судебной школы.

**Ключевые слова:** суд, судья, Высшая школа судей.

**Annotation.** The article provides an in-depth analysis of the ongoing judicial reforms in our country, including the creation and functioning of the Higher Judicial School.

**Keywords:** court, judge, High School of Judges.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизими соҳасида давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади. Истиқлол йилларида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асослантилган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида судьяликка муносиб топилган номзодларни камида бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимга тайинлаш тизимини жорий этиш, бунинг учун Судьялар олий кенгаши қошида Судьялар олий мактабини ташкил этиш таклиф қилинди<sup>1</sup>. Шу билан бир-

га, 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга тақдим этилган Президент Мурожаатномасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди<sup>2</sup>.

Мазкур ташаббусларни, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йилнинг 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>3</sup> қабул қилинди.

\* Наргиза Касимова – жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.

<sup>1</sup> Қаранг: Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/2180>.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти / <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4141425>.



**Мазкур қарор билан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг янги тизими жорий этилди. Ушбу тизимнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:**

**биринчидан,** судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

**иккинчидан,** судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

**учинчидан,** судьялик лавозимларига номзодлар амалиёт ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан ўзвий боғлиқлигини таъминлаш;

**тўртинчидан,** иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

**бешинчидан,** судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш<sup>4</sup>.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни касбий этика, судлар ишини ташкил этиш ва судьялик фаолиятини амалга ошириш, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари бўйича ўқитишга, уларнинг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган бир йиллик магистратура таълим дастури жорий этилди. Магистратура квоталари Ўзбекистон Республикаси Судьялар

олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда аниқланиши, шунингдек, унга судьялик лавозимлари захирасида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилиниши белгиланди. Магистратурага қабул қилинган тингловчилар давлат гранти асосида таълим олади ва уларга судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдориди стипендия тўланади. Магистратура тингловчилари асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод этилади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади.

Алоҳида қайд этиш керакки, судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади. Унгача бўлган даврда эса судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Шу билан бирга, Судьялар олий мактабида

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/4141425>.

рахбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьялар касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллаш, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштириш бўйича икки ойлик ўқув курсларида қайта тайёрланади. Шунингдек, ушбу таълим муассасида судьялар ва судлар аппарати ходимлари қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини етказишга, касбий, жумладан ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатли ўқув курсларида малака оширади.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабининг устави, тузилмаси ва бошқарув органлари белгиланди. Хусусан, Судьялар олий мактабига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади. Судьялар олий мактаби директори лавозими бўйича бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади.

Судьялар олий мактабининг махсус унвонлар ва мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси томонидан белгиланган тартибда махсус унвонлар ва мансаб даражалари берилади. Шунингдек, Судьялар олий мактабига ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья мақоми сақлаб қолинади ҳамда судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Судьялар олий мактабида ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

Мухтасар айтганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Судьялар олий мактаби замонавий билим ва кўникмаларга эга, юқори малакали суд тизими ходимларини тайёрлашнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди.

Таъкидлаш ўринлики, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қиладиган мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан яна кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилиши шулар жумласидандир.

Натижада, Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, шунингдек, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда 207 та маъмурий суд ташкил этилди, 85 та иқтисодий суд фаолияти йўлга қўйилди. Иқтисодий судлардан кўзланган мақсад, албатта, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишдир.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципіга риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Департамент айна пайтда судларни моддий-техник ва молиявий таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, судьялар ҳамда суд аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби долзарб вазифалар билан мунтазам ҳамда самарали шуғулланмоқда.

Бундан ташқари, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони<sup>5</sup> асосан судлар фаолиятдан жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, малакали судьялар тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши ҳамда суд тизимида одиллик, мустақиллик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган қатор ислохотлар жамиятимизда адолат барқарорлиги, қонун устуворлиги ва одил судловнинг юқори даражасига эришишга хизмат қилади.

<sup>5</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/3822463>.

# МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ МАФКУРАВИЙ ИНТЕРВЕНЦИЯНИНГ ЯНГИ КЎРИНИШИ СИФАТИДА

Мансур МУСАЕВ\*

**Аннотация.** Мазкур мақолада миссионерлик ва прозелитизм мафкуравий интервенциянинг янги кўриниши сифатида намоён бўлиши ҳақидаги фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада глобал миқёсда хавфсизлик, барқарорликка раҳна солувчи маънавий, сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизмнинг ғоявий-мафкуравий кўринишлари баён этилган.

**Калит сўзлар:** трансформация, мафкуравий интервенция, манипуляция, экспансия, терроризм, тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик, геосиёсат.

**Резюме.** В статье анализируются новые виды и формы проявления миссионерства и прозелитизма. Также в статье рассматриваются научно обоснованные взгляды, точка зрения, позиции специалистов касательно угрозы миссионерства и прозелитизма на мирную ситуацию, политической, экономической и юридической стабильности страны.

**Ключевые слова:** трансформация, идеологическое вмешательство, манипуляция, экспансия, терроризм, мир, безопасность, стабильность, геополитика.

**Resume.** The article analyzes new types and forms of manifestation of missionary and proselytizing. The article also examines scientifically based views, point of view, positions of specialists regarding the threat of missionary and proselytizing to a peaceful situation, political, economic and legal stability of the country.

**Key words:** transformation, ideological intervention, manipulation, impact, terrorism, peace, security, stability, geopolitics.

Бугунги кунда дунёда кечаётган мураккаб глобал трансформация инсоният хавфсизлиги ва мамлакатлар барқарорлигини таъминлаш билан алоқадор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда. Чунки глобаллашув туфайли маънавий хуружлар, ёт ғоя ва мафкуралар таъсири ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, бугунги кунда миссионерлик ва прозелитизмга йўналтирилган ҳаракатлар нафақат инсонларнинг эътиқодига, балки турли дин, миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатлигига раҳна солаётганини, сиёсий таъсир доирасига олишнинг воситасига айланиб қолаётганини инкор этиб бўлмайди. Ҳозирда миссионерлик ва прозелитизм геосиёсат назариясига кўра мафкуравий интервенциянинг янги кўриниши сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, XXI асрга келиб миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари фаолияти кучайган

мафкура полигонлари тобора кўпаймоқда. Мазкур ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳозирги кунга келиб дунё миқёсида кўпгина ҳудудларнинг долзарб муаммолари қаторига кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидланганидек: “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасиз-

\* Мансур Мусаев – Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

лик ташкил этади, деб ҳисоблайман”<sup>1</sup>. Бинобарин, сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ғоявий ва мафкуравий курашнинг кучайиши миллат ёки халқлар тарихий қадриятлари, бугунги ҳаёти ва келажақтаги тақдири мавқеини белгилашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Глобаллашув шароитида аввал маънавий, сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм мафкуравий интервенциянинг нозик ва нисбатан арзон шакли сифатида аллақачон айрим давлатлар амалиётига айланиб бўлди. Айниқса, дунё миқёсида кескин ғоявий курашларнинг авж олиши, турли мафкуралар тўқнашуви, демократия ёки турли диний таълимотлар шиорлари билан “чиройли” ниқобланган ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш миссионерлик ва прозелитизм кўринишида тобора кучайиб бормоқда. Бугун миссионерлик ва прозелитизм баъзи геосиёсий кучларнинг хавфли қуроли бўлиб, сиёсий ва иқтисодий таъсир доираси кўринишида ифодаланаётган замонавий мустамлакачилик ёки вассалликни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Айрим” сиёсий доиралар ўзларининг геосиёсий мақсадларини кўзлаб, низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқаришда айнан миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларидан бевосита фойдаланишмоқда.

Мазкур ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ҳозирги кунда дунёнинг 33 та давлатида прозелитизм ҳаракати умуман ман этилган бўлса, 81 та давлатда хорижий миссионерлар фаолияти чекланган. Миссионерлик ва прозелитизм методикаси замирига эътибор қаратилса, пухта ўйланган режалар асосида, ўз фаолиятини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланиш мақсад қилингани ойдинлашади. Бунда муайян мамлакатларда “очарчилик, қашшоқлик”, “инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши”, “миллий низоларни бартараф этиш”, “гуманитар ҳалокатнинг олдини олиш”, “демократик эркинликларни жорий этиш”, “илғор маданий одатларга ўргатиш” ниқоби остида фаолият олиб борилади. Миссионерлар вазиятдан фойдаланган ҳолда ҳудуддаги аҳолини ўзларининг динларига ўтказиш орқали уларни сиёсий мақсадларга тайёрлашга ҳаракат қилишади. Миссионер фаолияти давомида юзлаб инсонларни ўз динига жалб этса, унинг ҳосиласи бўлган прозелит эса

қисқа давр мобайнида кўплаб инсонларнинг ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишига эришиши мумкин. Натижалар **ҳаракат амалга оширилаётган давлатлар аҳолиси ва улар ҳаёт тарзининг бой ёки камбағал, ёпиқ ёки очик, сиёсий режими кучли ёки кучсиз, эътиқоди тартибли ёки тартибсиз, маданияти ва миллати асосан бир хил ёки аралаш** эканлигига кўра турлича бўлиши мумкин. Ахборот-таҳлилий ўрганишларга кўра, миссионерлик ҳаракатлари стратегияси мазкур белгиларнинг гуруҳлашган ёки алоҳида шаклларда намоён бўлишига қараб тузилади. Агар белгиларнинг биринчи қисми устувор бўлса, тарғиботлар асосан оммавий ахборот воситалари, айниқса бугунги кунда оммавийлашган электрон ижтимоий тармоқлар ва ҳаракат ташкил этилган мамлакат вакиллари хорижий базаларга жалб этиш воситасида амалга оширилади. Юқоридаги белгиларнинг иккинчи қисми устувор бўлганида эса, ОАВ орқали жамоат жойларида, концерт заллари ва стадионларда тадбирлар уюштириб, диний адабиётларини тарқатиш орқали ўзларининг диний тарғибот ва ташвиқотларини олиб боришади.

Миссионерликнинг бундай сиёсий мазмундаги ҳаракатлари аксарият ҳолларда манипулятив ва мавжуд сиёсий режимдан имкон излашга ундаш кўринишида намоён бўлади. Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари аввало жамият ҳаётининг барча жабҳаларини издан чиқариши, давлат бошқарувида тартибсизлик ва парокандаликни вужудга келтириши, мамлакатда бир-бирига қарама-қарши гуруҳларни шакллантириш орқали, миллатлараро, динлараро зиддиятларни туғдириб, давлат миқёсида айирмачиликни келтириб чиқариши, айниқса, хатарлидир.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатларида аввал маънавий таъсир ва кейин сиёсий қамраб олиш жараёнлари амалга оширилади. Маънавий таъсир кўрсатишнинг биринчи режага чиқишини ҳар бир мамлакатда эътиқод масаласида ўзига хос ёзилган ёки ёзилмаган қонунлар, қадриятлар, анъаналар ва урф-одатлар борлиги билан изоҳлаш мумкин. Маънавиятни шакллантирувчи ва бошқарувчи ушбу омилларни енгиб ўтмай туриб, муайян инсоний бирликни бирор сиёсий мақсад ёки ғояга хизмат қилдириш мажбурлашни келтириб чиқаради. Мажбурлаш эса куч ишлатиш ва зўр-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>.

лик воситаларини талаб қиладики, инсон онги ва қалбини эгаллаш, уни белгиланган ғоялар ва сиёсатга бўйсунувчи одамга айлантиришда бу муваффақиятли чора бўла олмайди. Чунки мажбурлаш маънавиятга зид ҳодиса ҳисобланади. Қолаверса, глобаллашув жараёнлари миссионерлик ҳаракатлари учун ғоятда кенг имкониятларни очиб берди. Ушбу шароитда мазкур ҳаракатлар миллий, диний, динлараро зиддиятларни келтириб чиқариш, тинч ва осуда ҳаётга таҳдид солиш, нафақат жамиятда, балки мамлакат миқёсида сепаратизмни келтириб чиқаришга интилаётганлиги бу борада жиддий фикрлашни тақозо этади. Христианлик таълимоти асосида тайёрланган миссионерлар илгари кўпроқ доктор, ўқитувчи кўринишида юборилган бўлса, техник тараққиёт глобаллашуви кучайган бугунги замонда турли касб эгалари кўринишида: сайёх, спортчи, инвестор, бизнесмен, халқаро ташкилотлар хизматчиси, савдо ходими, ҳатто элчихона ходими сифатида юборилиш ҳолатларига қадар кенгайиб, “хизмат вазифаси”ни ўташ мақсадида муайян ҳудудларга махсус топшириқ ва вазифаларни бажариш учун йўналтирилмоқда.

Глобаллашув шароитида миссионерлар кенг эътибор қаратаётган тармоқлар ичида муҳтож оилалар, имконияти чекланган шахслар, мактаб интернатлари, мактабгача тарбия муассасалари, меҳрибонлик ва қариялар уйлари, ўрта, ўрта-махсус ҳамда олий таълим муассасалари ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ижтимоий миссия стратегиясида зоҳиран “беғараз” ёрдам кўрсатиш орқали фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, оилавий муаммоларни бартараф этиш, инсонларга тинчлик ва қувонч улашиш масалалари қамраб олинади.

Ривожланган давлатлар миссионерлик ташкилотлари орқали хорижий давлатлардаги ички “иқтисодий муаммолар”ни бартараф этишда бевосита иштирок этишади. Миссионерлик стратегиясида фуқароларнинг жамият ва давлат миқёсидаги “иқтисодий муаммолар”ни бартараф этишда иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунда миссионерлар моддий ва молиявий ёрдам кўрсатишнинг турли хил усулларида усталлик билан фойдаланишмоқда. Ўз режаларини

амалга оширишда “меҳрибонлик уйлари”, “кўзи ожизлар жамияти”, “қариялар уйлари”га “беғараз” хайрия ёрдами кўрсатиш улар амалиётининг ошқора кўринишларидир. Бу ҳақда француз императори Наполеон I ўзининг 1804 йилда давлат мажлисидаги чиқишида миссионерликка бўлган муносабатини очиқ ифодалаб, хориждаги диний миссиялар фаолиятини кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, “черков ходимлари давлатимиз учун Осиё, Африка, Америкадан ғоят катта фойда келтиради. Авлиёлик кийими уларни ҳимоя қилади, сиёсат ва савдо соҳасидаги вазифаларини ниқоблайди. Варварлар авлиёларни ҳурмат қилади, уларнинг фаолияти эса биз учун арзон тушди”<sup>2</sup>, – деган эди. Миссионерларнинг руҳонийлик мақоми доимий равишда давлат ва сиёсий доира вакиллариининг муҳим топшириқ ва вазифаларини бажаришда асосий ўрин тутган. Шу тарзда христиан миссионерлари Осиё, Африка ва Америка минтақасида ўз фаолиятлари билан ўзлари мансуб давлатларнинг сиёсатини ўтказишда асосий ролни бажаришган эди.

Ҳозирги даврда айрим тараққий этган давлатлар геосиёсий ва иқтисодий манфаат ва мақсадларни кўзлаган ҳолда демократик ўзгаришлар жараёнини тезлаштириш заруриятини рўқач қилиб, ривожланаётган мамлакатлар ички ишларига аралашшига, баъзан очиқ-ошқора, баъзан эса турли ноҳукумат ташкилотлар орқали тазйиқ ўтказишга киришганлиги намоён бўлмоқда. Бу ҳол турли давлатлардаги бир хил воқеа-ҳодисаларга икки хил андозалар билан ёндашиш, асоссиз маълумотларга таяниб, демократик тузумни мажбуран, қуч билан ўрнатишга интилиш, конституциявий тузумга қарши террорчилик хуружини амалга оширган ашаддий жиноятчиларни ўз ҳуқуқлари учун курашаётган “тинч аҳоли” деб аташларда ойдинлашмоқда<sup>3</sup>.

Аксарият гегемон давлатлар миссионерликни давлатнинг сиёсий режаларини амалга оширишда ҳамкор сифатида эътироф этишган. Хусусан, миссионерликнинг катта аҳамиятга эга эканлигини нафақат сиёсат арбоблари, балки миссионерларнинг ўзи ҳам таъкидлаган.

Б.Британия собиқ бош вазири У.Черчиллнинг фикрига кўра, “Миссионерлик фаолияти учун

<sup>2</sup> Сюрэ-Каналь Ж. Африка Западная и Центральная. – М.: 1961. – 140 с.

<sup>3</sup> Хайдаралиев Ш.А. Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда халқаро ташкилотлар ва Ўзбекистоннинг ўрни (1991-2010 йиллар). т.ф.д. илмий даражаси учун ёзилган дис. 07.00.01. Наманган.: 2012. – Б-125.



сарфланадиган ҳар бир пена яхши бошқарув ва омонат маблағларни келтириши муқаррар”<sup>4</sup>. Бинобарин, хорижий молиявий кўмак асосида молиялаштирилаётган миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари стратегиясида аксарият ҳолатларда сиёсий мақсадлар яққол намоён бўлади. Зеро, миссионерлик ва прозелитизм тарафдорлари ўз фаолияти жараёнида ҳеч қачон, ҳеч кимга беғараз ёрдам кўрсатмаганликларини таъкидлаш ўринлидир. Зиддиятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келаётган турли хил сиёсий-мафқуравий гуруҳлар этник-миллий, диний асосда янги зиддиятларни онгли равишда авжига чиқармоқдалар<sup>5</sup>.

Бугунги кунга келиб геосиёсий кучлар мувозанатининг тобора ўзгариши айрим ривожланган давлатларнинг ўз демократиясини “экспорт” қилиш орқали дунё ҳукмрони бўлиш мақсади билан чамбарчас боғланиб кетган.

Яқин Шарқ минтақасига, жумладан араб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши улар мустақиллигига таҳдидларнинг янги турлари сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади. Бундай ҳаракатлар Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, жумладан айрим араб ва Марказий Осиё давлатларининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги улар хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турганлигини ҳам англайди<sup>6</sup>. Ваҳоланки, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари орқали “инсон ҳуқуқлари”, “виждон эркинлиги”, “демоарктик эркинликлар”ни олға суриш учун кўрсатилаётган “кўмак” аслида мамлакатни парокандалик ва сиёсий бошбошдоқлик сари етаклайди. Миссионерлик ва прозелитизм орқали амалга оширилаётган “Демократия” ниқобидаги уринишлар мана шундай нохушликларни келтириб чиқариши мумкинлигини англаш барчадан жиддий фикрлашни тақозо этади.

Шу тарзда баъзи сиёсий марказлар ва давлатлар кўмагидаги миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати муайян минтақа ва ҳудудга демократияни “экспорт” қилиш орқали сиёсий мақсадларни амалга ошириш кўзга ташланмоқда. Миссионерлик ва прозелитизм замирида ўзга мамлакатларнинг давлат суверенитетига, конституциявий тузумига нисбатан амалга оширилаётган сиёсий босим ва тажовузларни ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ётади.

Бугунги кунда глобаллашув шароитида дунё миқёсида диний нифоқ солиш орқали тинчлик ва барқарорликка таҳдид солишга интилаётган миссионерликка қарши курашда ёшларимизни миллий ватанпарварлик ғояларига содиқ этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Миссионерлик тарафдорларининг асосий мақсади ёшларимизни миллий маънавиятимиздан жудо қилиш орқали манқуртга айлантиришдан иборат. Шунини эътиборга олган ҳолда халқимиз, миллатимизни турли сохта ва зарарли ғоялар таъсиридан асрашда, энг аввало, ўз қадриятларимизни эъзозлашимиз керак.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Узоқни кўзлаб, керак бўлса, ҳаётда бир қadam олдинда юриб, бизни доғда қолдирмоқчи бўлганларнинг хийла-найрангларини аввалдан билиб, биринчи зарбани улар эмас, биз беришимиз зарур. Шунда давлатнинг – давлат, жамиятнинг – жамият экани бор кучи ва қудрати билан намоён бўлади”<sup>7</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда миссионерлик ва прозелитизмнинг тақиқланиши ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам ижтимоий сабаб ҳамда омилларга асосланган бўлиб, мақсадимиз юртимизда ҳукм сураётган барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдир.

Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатини бар-тараф этишда, аввало, оила, таълим соҳаси ва жамоат ташкилотларида маънавий-маърифий қадриятларни шакллантириш, мамлакатимизда жамиятимизнинг барча қатламларида соғлом мафқуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>4</sup> Уинстон Черчилль: интеллектуальный портрет. – М.: Форум, 2011. – 206 с.

<sup>5</sup> Пахрутдинов Ш. Мустақиллик ва жамият тараққиётига таҳдид муаммоаси. (сиёсий таҳлил тажрибаси) С.ф.н. илмий даражаси учун ёзилган дис. 23.00.02. Т.: 1999.

<sup>6</sup> Бозоров О. Бугунги куннинг энг долзарб вазифаси. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат / масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур; Ўзбекистон мусулмонлари идораси; Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази. – Т.: “Movarounnahr”, 2013. – 86-87-бетлар.

<sup>7</sup> Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. Тошкент оқшоми. 2017 йил 16 июнь.

## ҲИСОБОТ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ — 2019 ЙИЛДА

2019 йил Ўзбекистоннинг янги тарихида ёрқин из қолдирди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига қилган мурожаатида таъкидлаганидек, — “Халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли биз 2019 йилда — фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш йилида муҳим натижаларга эришдик”.

Демократия ва очиклик тамойиллари жамиятимиз ҳаётига ўрнашмоқда ва барча соҳаларни эркинлаштириш жараёни тобора чуқурлашиб бормоқда. Бунини «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида ўтказилган Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ҳам яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик ривожланиш йўлидан қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Энергетика, нефт ва газ саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди. Натижада, ўтган йили иқтисодий ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этди.

Мутлақо янги типдаги ўқув муассасалари — Президент ва Ижод мактаблари иш бошлади. 19 та янги олий ўқув юртлари, шу жумладан, таниқли хорижий университетларнинг тўққиз филиали ташкил этилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида шаҳар маҳаллалари, қишлоқлар ва овулларда турар жойлар ва ҳудудларни ободонлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ўтган йили минглаб оилалар уй тўйлари қилишди. Фуқароларимизнинг турмуш даражаси юксалиб бормоқда, уларнинг ватан тақдирига бўлган ишончлари, эртанги кунга бўлган умиди тобора ортиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда бизнинг ҳаётимизда янги «Ислохотларнинг ташаббускори — бу жамиятнинг ўзи» тамойили тобора чуқурроқ ўрин эгалламоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Дунёдаги энг таниқли нашрлардан бири — Британиянинг «Экономист» журнали Ўзбекистонни 2019 йилдаги энг жадал ислохотлар учун «Йил мамлакати» деб эълон қилди. Шунингдек,

Ўзбекистон Жаҳон банкининг 2019 йил учун «Бизнес юритиш» рейтингида энг яхши ислохотчи давлатлардан бирига айланди.

Илм-фан ва маърифатни изчил давом эттириш ва янги замонавий босқичга олиб чиқиш, ёшларимизни чуқур билимли, юксак маданият ва маънавиятли қилиб тарбиялаш ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 2020 йил «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилинди.

Янги мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, коллежлар ва техник мактаблар қурилиши режалаштирилган. Мамлакатимизда биринчи марта болаларни 6 ёшдан мактабга тайёрлаш тизими, шунингдек, янги касб-ҳунар таълими тизими жорий этилади. Олий ўқув юртларига кириш учун давлат грантлари улуши ортади, кизлар учун алоҳида грантлар ажратилади.

Фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенг ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда туб бурилиш амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисидаги мурожаатида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Маълумки, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқишни таклиф қилди. Ушбу конвенция лойиҳасини бу йил бўлажак Самарқанддаги инсон ҳуқуқлари форумида муҳокама қилиш режалаштирилган. Ўзбекистоннинг 2021–2023 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги масаласи доимий равишда илгари сурилиб борилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан республика ва минтақавий даражадаги ижтимоий шериклик мустаҳкамланади, грантлар ва ижтимоий буюртмалар ҳажми оширилади.

Жамоатчилик назоратини кучайтириш ва давлат билан жамият ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш

учун Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш режалаштирилган.

**Кучли фуқаролик жамиятини  
ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари  
миллий тизимининг самарадорлигини  
оширишда халқаро ҳамкорликни  
чуқурлаштириш**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини тайёрлаш ва халқаро органларга тақдим этишни мувофиқлаштиради.

2019 йилда Марказ «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт қондаларининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий маърузасини тайёрлади. Шунингдек, БМТнинг Ирқий камситишни тугатиш қўмитасида Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция ҳақидаги 10-12-чи Миллий маърузасини кўриб чиқишга тайёрлаш учун йўл харитаси ишлаб чиқилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, шунингдек, 2020 йил давомида муҳожирларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш дастурини тайёрлашда иштирок этди.

**Бундан ташқари, Марказ қуйидаги таҳлилий материалларни тайёрлади:**

– БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги декларациясини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурини тайёрлаш бўйича ҳаракатлар режаси;

– Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро миграция ташкилоти ўртасида 2020-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» лойиҳаси бўйича таклифлар;

– Халқаро меҳнат ташкилотининг «Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1952 йилдаги конвенциясини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги 183-сонли Конвенцияси имплементацияси бўйича таклифлар;

– АҚШ Давлат Департаментининг 2019 йилда одам савдоси тўғрисидаги ҳисоботида шарҳлар;

– «Марказий Осиёда одам савдосига қарши курашиш ва хавфсиз миграцияни ривожлантириш» лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари халқаро ҳамкорлик агентлиги ўртасида 2020-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси лойиҳаси бўйича таклифлар;

– Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ва бошқа натижалар бўйича таклиф ва тавсияларни амалга оширишга доир 2019-2020 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар режаси («Йўл харитаси») ва бошқалар.

Марказ халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг миллий институтлари билан инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича ҳамкорликни ривожлантиришда давом этмоқда. 2019 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўртасида Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқларини ривожлантириш бўйича кенгаш ва Бристол университетидаги Туркия инсон ҳуқуқлари институти ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Марказ раҳбари Ўзбекистон Республикаси делегацияси таркибида Парламентлараро иттифоқ Ассамблеяси, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, БМТнинг қийноқларга қарши ва ирқий камситишларга қарши қўмиталари, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ишида қатнашди.

2019 йилда Тошкентда Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил Доимий комиссиясининг олтинчи халқаро семинари: «Тинч демократик жамиятларни барпо этиш ва барқарор ривожланиш учун ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти» мавзусида бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё бўйича Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлигининг минтақавий идораси билан биргаликда «Барқарор ривожланишни таъминлаш: давлатнинг инсон ҳуқуқлари потенциалини мустаҳкамлаш ва кун тартибидаги масалани Ўзбекистонда 2030 йилга қадар амалга ошириш» мавзусида ўқув семинарини ўтказди.

**Ўтган йили халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда қуйидаги мавзулар**

### **бўйича семинарлар, давра суҳбатлари ва тренинглар ўтказилди:**

– «Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги БМТ Конвенциясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузалар ва миллий ҳаракатлар режаларини тайёрлашда давлат хизматчилари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ахборот-маърифий салоҳиятини ошириш»;

– «Барқарор ривожланиш мақсадида маълумотларни юритиш: Ўзбекистонда 2030 йилга қадар кун тартибини амалга ошириш учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат салоҳиятини мустаҳкамлаш»;

– «Барқарор ривожланиш мақсадлари ва инсон ҳуқуқлари»;

– «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органларида индивидуал хабарларни кўриб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича энг яхши амалиётларни ўрганиш тартиби (Инсон ҳуқуқлари қўмитаси мисолида)»;

– «Жамият ва давлат тузилишида аёлларнинг роли ва мавқеини ошириш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси»;

– «БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси ва унинг тавсияларини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси билан ҳамкорлик тажрибаси»;

– «Инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси»;

– «ЕХҲТнинг Любляна тавсиялари ва Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик соҳасидаги сиёсати»;

– «Фуқаролик жамиятининг коррупцияга қарши курашдаги роли: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» ва бошқалар.

Ўтган йили инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик юзасидан БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Д.Гарсия-Саян, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари идорасининг инсон ҳуқуқлари бўйича

маслаҳатчиси С.Стеффан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Минтақавий бошқарма бошлиғи Р.Коменда, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Х.Фрейзер, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, Ислон ҳамкорлик ташкилоти мустақил доимий кенгаши ижрочи директори М.С.Бут, Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Т.Москалкова, Туркия инсон ҳуқуқлари институти С.Арслан, Қозғистон, Ўзбекистон ва Туркменистондаги Ф.Эберт номидаги Фонднинг ваколатхона раҳбари Х.Кифер, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ва бошқа расмий шахслар билан учрашувлар ва музокаралар бўлиб ўтди.

### **Қонун ижодкорлигини такомиллаштириш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг асосий вазифаларидан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларининг миллий қонунчиликда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бажарилишини таъминлайдиган таклифлар тайёрлаш ҳисобланади.

2019 йилда Марказ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этди, эксперт хулосалари, таклиф ва мулоҳазаларини тайёрлади.

Марказ «Фуқаролик жамияти институтларига Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро шартномаларни амалга ошириш бўйича давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга қўмаклашиш» лойиҳалари доирасидаги қонун лойиҳалари бўйича 15 та хулосани тақдим этди. Марказ «Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари устидан жамоатчилик экспертизаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича стратегияси, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, мамлакатнинг



“ҳуқуқ устуворлиги” халқаро рейтингида мавқеини яхшилаш бўйича концепциялари лойиҳалари ҳам тайёрланди.

### **Қуйидаги лойиҳаларга киритиш учун шарҳ ва таклифлар тайёрланди:**

– «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси»;

– «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида»;

– «Хотин-қизларни зулм ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»;

– янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги қонун;

– «Етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонун;

– «Бепул юридик ёрдам тўғрисида» ги қонун;

– «Рўйхатга олиш тўғрисида» ги қонун;

– «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ҳолати тўғрисида» ги қонун;

– «Давлат тили тўғрисида» ги қонун (янги таҳрири);

– ««Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси учун «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини бошқа мамлакатларнинг шу каби қонунлари билан халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқлиги қиёсий таҳлил қилинди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияга Факультатив протоколи (2000 йил 25 май, Нью-Йорк) қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи 135-моддасига имплементация қилишга қаратилган таклифлар тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш позициясини яхшилашга, шунингдек, қабул қилинган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар («Йўл харитаси») лойиҳаларига таклифлар юборди.

Ҳужжатларни топширгандан сўнг, никоҳдан олдинги муддатни узайтириш, фақат судда никоҳни бекор қилиш, суд томонидан суд жараёнини кейинга қолдириш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганишни ҳисобга олган ҳолда, турмуш ўртоқларни яраштириш учун бир йилгача муддат тайинлаш бўйича таклифлар тайёрланди.

### **Инсон ҳуқуқлари соҳасида фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Ўтган йили Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш бўйича маслаҳат функцияларини бажарди. Фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини илгари суриш ва амалга оширишда, ижтимоий шериклик алоқаларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ахборот-маърифий тадбирларда иштирок этишга катта эътибор қаратилди.

### **Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш**

Ҳисобот йилида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштиришни амалга оширди, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилди.

Мониторинг натижалари асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Марказий Осиё бўйича бошқармасининг минтақавий идораси кўмагида тренинг ташкил этилди. Тренингда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек Бирлашган Қиролликнинг вакиллари – қамоқхоналар назорати инспекциясидан Жанет Холл, Эхетер университетидан Абет Диамонд ва БМТнинг Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазонинг олдини олиш бўйича



йича куйи қўмитаси раисининг ўринбосари Виктор Закариё иштирок этди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни амалиётга татбиқ этиш доирасида Марказ томонидан ҳуқуқий ҳужжатларнинг оила институтининг мустаҳкамланиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи нормалари таҳлили тайёрланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенат Кенгашининг 2018 йил 4 майдаги қўшма қарори билан тасдиқланган дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича «йўл харитаси»нинг амалга оширилиши назорат қилинди.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш, бандлик ҳолати ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги миллий қонунларнинг ижроси бўйича мониторинг олиб борилди.

### **Фуқаролар ва юридик шахсларнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказга мурожаатлари**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ёзма мурожаатларни кўриб чиқади, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўради. Фуқароларнинг мурожаатлари таҳлили шуни кўрсатадики:

*биринчидан*, фуқароларнинг қайси ҳуқуқлари кўпинча чекланади ёки бузилади;

*иккинчидан*, фуқаролар қайси давлат органларига мурожаат қилсалар ҳам, уларнинг шикоятларига асосли жавоб ололмайдилар;

*учинчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган сабаблар ва шароитлар.

2019 йилда Марказга фуқаролардан 2259 та мурожаат келиб тушди, бу 2018 йилга нисбатан 11,5% га кўпдир. 719 (31,8%) мурожаатлар тўғридан-тўғри қабул пайтида, 1540 (68,1%) алоқа воситалари орқали (асосан почта алоқаси орқали) келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 1274 таси (59%) аризалар, 876 таси (40,6%) шикоятлардир. 958 та (44,4%) сўров аёллар томонидан, 1027 (47,6%) эркаклар томонидан юборилган, 173 та (8%) жамоавий мурожаатлардир.

Мурожаатларнинг кўпи Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи фуқаролардан келиб тушган – 521 (23%); бу кўрсаткич Тошкент вилоятида – 355 (15,7%); Қашқадарё вилоятида – 217 (9,6%); Са-

марқанд вилоятида – 203 (8,9%); Сурхондарё вилоятида – 152 (6,7%); Фарғона вилоятида – 140 (6,2%); Наманган вилояти – 133 (5,9%) ва Андижон вилоятида – 130 (7,7%).

2019 йил билан таққослаганда, Тошкент, Жиззах ва Наманган вилоятлари аҳолисида келиб тушган мурожаатларнинг қисқариши, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари аҳолисида келиб тушган мурожаатлар сони нисбатан кўпайиши кузатилди.

Мурожаатларнинг 1013 таси (46,9%) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар соҳасига, 997 таси (46,2%) шахсий ҳуқуқларга, 77 таси (3,5%) сиёсий ҳуқуқларга ва 71 таси (3,3%) маданий соҳага тегишли ҳуқуқларга доир.

Аввалги йилларда бўлгани каби, 2019 йилда фуқароларнинг энг кўп мурожаатлари одил судлов ҳуқуқини таъминлаш бўйича қабул қилинди – 486 та мурожаат. Улар судлар томонидан ишларнинг одилона кўриб чиқилиши тўғрисидаги шикоятлардир: жинсий ишлар бўйича – 277, фуқаролик ишлари бўйича – 226, маъмурий ишлар бўйича – 51, иқтисодий судларнинг қарорларига – 8, ҳарбий судларга – 13 та мурожаат. Шикоятларда асосан процессуал қоидалар бузилганлиги, ишнинг суд муҳокамаси жараёнида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқларининг йўқлиги фактлари келтирилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 71 та мурожаат бўйича фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 203 ҳолатда фуқароларга қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга оширишда ёрдам берилди, 313 ҳолатда муаммоларни ҳал қилиш бўйича маслаҳатлар берилди. 260 та шикоятнинг далиллари тасдиқланмади.

Шунингдек, фуқароларга телефон кўнғироқлари орқали 4020 дан ортиқ ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари таҳлили бир қатор давлат, маъмурий ва иқтисодий, айниқса, маҳаллий бошқарув органларида, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этишда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимининг фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида хулосалар чиқариш имконини беради. Бу барча даражаларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга оширишни талаб қилади.

Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш асосида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ давлат органларига инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва улар-

ни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради.

### **Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот тарқатиш ва нашр этиш**

2019 йилда Марказ томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини фуқаролик жамияти институтларининг иштирокида тарғиб қилиш ва тушунтириш, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури, инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми натижалари бўйича таклиф ва тавсияларни амалга ошириш, жамоат ва давлат қурилишида аёлларнинг роли ва мавқеини ошириш, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясининг 30 йиллиги, коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамиятининг роли ва бошқа мавзуларда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

2019 йилда Марказ ўз нашриётчилиқ фаолиятини давом эттирди, китоблар, оммабоп илмий рисо-лалар, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар тўпламлари, халқаро конференциялар материаллари нашр этилди.

Ўрта мактаблар, институтлар ва олий таълим муассасалари учун «Инсон ҳуқуқлари» фанидан дас-турларнинг лойиҳалари тайёрланиб, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари-га тақдим этилди.

ЕХХТ ДИИХБнинг Бутунжаҳон одам савдоси-га қарши кураш қунига бағишланган ўзбек тилида «Одам савдоси қурбонларини ватанларига қайтариш жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича кўрсатмалар» тақдироти, шунингдек, «Баъзи жамоа-лардаги диний жамоаларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғри-сидаги ЕХХТ кўрсатмалари» ўзбек тилида нашр этилди.

«Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисидаги кон-венцияни амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини тайёрлаш бўйича кўрсатма-лар» (иккинчи нашр), «Миллий маърузани тайёрлаш механизми фаолиятини ташкил этиш ва Ўзбекистон-нинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги

халқаро мажбуриятлари бажарилишида кейинги фаолиятини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар» ва «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оши-ришда камситиш ва тенгсизликка йўл қўймаслик-нинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари» монографияси чоп этилди.

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» ва «Жамоатчилик фикри. Инсон ҳуқуқлари» журналла-ри мунтазам нашр этилди.

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» жур-нали «Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш йили»ни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-сининг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий кен-гашларга депутатлар сайловига, Бирлашган Мил-латлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинганининг 30 йиллигини ни-шонлашга ва унинг талабларига риоя этишга, ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқлари, гендер тенглиги, одам сав-доси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш, корруп-ция, шунингдек суд-ҳуқуқ масалаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратди.

Жамоатчилик фикрини ёритиш «Жамоатчилик фикри. Инсон ҳуқуқлари» журналининг асосий ва-зифаларидан биридир. Чунки бу демократиянинг жуда муҳим, зарурий нормаси, фуқаролик жамияти-нинг энг самарали воситаларидан биридир. Шу са-бабли, Жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг тадқиқот натижаларига асосланган мақолалар жур-нал саҳифаларида мунтазам равишда эълон қилин-моқда.

Журналда «Ижтимоий фикр» Жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг таҳлилий ва ахборот материаллари, замонавий жамият, унинг институт-лари, тарихи, маданияти, дини ва бошқа соҳалар-ни таҳлил қилиш бўйича мақолалар нашр этилган. Шунингдек, аёлларнинг ташқи қиёфасидаги ижти-моий ўзгаришларнинг янги тенденциялари, постин-дустрия жамиятларидаги ўзгаришларнинг ижтимоий жиҳатлари, оила ва оилавий муносабатларнинг мин-такавий хусусиятлари, миграция жараёнида аёллар-нинг фаоллиги тўғрисида мақолалар эълон қилинди.

«Ўзбекистон ва дунё ҳамжамияти», «Демократия университетлари», «Ҳуқуқий масалалар: назария ва амалиёт» рукнларида қонунчилик фаолиятини та-комиллаштиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилган материаллар эълон қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига мурожаатида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни жадаллаштириш зарурлиги кўрсатилган.

Ҳозирда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишга оид ишлар олиб борилмоқда. Тегишли ҳужжатларнинг лойиҳалари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаради. Сўнгги 3 йил ичида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш учун қонуний асос яратишга қаратилган 5000 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан 4 та янги кодекс, 186 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1200 та ҳужжатлари қабул қилинди.

Бироқ ҳозирги кунга қадар инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегия мавжуд эмас эди. Унинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия лойиҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш орқали Ўзбекистонда турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи белгиланган.

Улар орасида инсон ҳуқуқлари бўйича давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий

тизимини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларни мустаҳкамлаш бор.

Стратегияда одил судловга эришиш кафолатланиши керак бўлган ушлаб туриш жойларидаги шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши алоҳида ўрин тутди.

Давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳимоясига муҳтож одамларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш режалаштирилган. Сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, тўсқинликсиз маълумот олиш ва гендер тенглигини таъминлаш ҳамда амалий ҳимоя қилишга катта эътибор берилади.

Оила институтини ҳимоя қилиш, жумладан ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оиладаги зўравонликка қарши кураш стратегия орқали янги босқичга кўтарилади.

Шунингдек, ёшларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги билимларини ошириш бўйича кенг дастур ишлаб чиқилган. Университетларда ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув марказларида «Инсон ҳуқуқлари» махсус курсини жорий этиш, мактаб, лицей ва коллежларда ушбу мавзу бўйича дарсларни кенгайтириш режалаштирилган.

Инсоннинг иқтисодий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши хусусий мулкчиликни ривожлантириш, бизнесни юритиш учун тенг шароитлар яратиш, давлат-хусусий шерикликнинг реал ривожланишини тақозо этади.

Шунингдек, ҳар йили «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилгани учун» миллий мукофотини таъсис этиш таклиф этилган.

## ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ РИВОЖЛАНИШИ

2019 йил 6-12 декабрь кунлари Пекинда «Цивилизациялар хилма-хиллиги ва инсон ҳуқуқларининг глобал ривожланиши» мавзусида инсон ҳуқуқлари форуми бўлиб ўтди. Форум Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қўмағида ХХР Давлат кенгаши Ахборот бюроси томонидан ташкил этилди. Унинг ишида 80 та давлатдан 300 дан ортиқ инсон ҳуқуқлари бўйича экспертлар, парламент аъзолари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар раҳбарлари, турли давлат Президентларининг маъмуриятлари, ташқи ишлар вазирликлари, адлия ва суд органлари, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари идораси ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳамда илмий жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари М.А. Тиллабаев иштирок этди.

Форумда асосий маърузани ХКП Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, ХКП Марказий Қўмитасининг Тарғибот бўлими бошлиғи Хуанг Кунминг сўзлади. Унинг таъкидлашича, Хитой ҳар доим халқ фаровонлигини таъминлашни ўзининг асосий мақсади деб билади ва хитойча хусусиятларга эга социалистик тизимнинг асосий принциплари халқ манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Форумда цивилизациялар хилма-хиллиги фонида инсон ҳуқуқлари концепциясини ишлаб

чиқиш, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида тажриба алмашиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ялпи ва сессия йиғилишларида 100 дан ортиқ маърузалар тингланди, уларда инсоният цивилизациясининг муҳим ютуғи бўлган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Форумнинг хорижий иштирокчилари учун инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳурмат қилиш бўйича Хитой тажрибаси билан таништириш мақсадида Шанхай ва Ханчжоу (Чжэцзян вилояти) шаҳарларига саёҳат уюштирилди.

Форум резолюцияси қабул қилинди, унда иштирокчилар Хитойнинг ривожланаётган давлатлар ўртасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасида алмашинув ташаббуслари билан танишдилар.

Яқунда форум доирасида Ўзбекистон томони халқаро ҳамжамият ва Хитой томони эътиборига беш йиллик Ҳаракатлар стратегиясининг мазмуни ва аҳамияти, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташаббусларининг амалга оширилиши, Осиё инсон ҳуқуқлари форумининг натижалари ва 2020 йилда Самарқандда инсон ҳуқуқлари бўйича форумнинг ўтказилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этди.

## ОМБУДСМАНЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИ АЛМАШИНУВИ

2019 йил 17-19-декабр кунлари Россияда Инсон ҳуқуқлари бўйича Илмий ва Таълим Маркази қўмағида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан ташкил этилган «Евросиё минтақасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари: Омбудсманларнинг илғор тажрибалари алмашинуви» мавзусида учинчи халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда халқаро ташкилотларнинг 140 дан ортиқ мутахассислари, омбудсманлар ва 20 мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари раҳбарлари, шу жумладан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари М.А. Тиллабаев иштирок этди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригида таъкидланганидек: «Конференция инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги вазиятни яхшироқ баҳолашга, касбий тажриба, қонунчилик ва ташкилий ишларни мунтазам равишда алмашишга имкон беради. Интеграцион жараёнларнинг ривожланиши, савдо ва инвестициялар алмашинувининг ўсиши, Евросиё ҳудудидаги миграция оқими инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик зарурлигини белгилайди».

Халқаро конференцияда Евросиё ҳудудидаги интеграцион жараёнларнинг инсон, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга таъсири, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар томонидан мониторинг механизмларини амалга ошириш, муҳожирлар, қочқинлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Евросиё омбудсманлари альянси фаолияти муҳокама қилинди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директорининг биринчи ўринбосари М.А.Тиллабаев халқаро конференция иштирокчиларига Ўзбекистоннинг инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ютуқлари, мамлакатдан БМТ 2021-2023 йилларга қадар Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлаш учун номзод кўрсатиш, БМТ ва ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, 2020 йилда Самарқандда инсон ҳуқуқлари форуми ўтказилиши тўғрисида маълумот берди.

Халқаро конференцияда Евросиё омбудсманлари альянснинг интернет-портали платформасида альянс аъзоларининг илғор тажрибалари бўйича электрон маълумотлар банкини яратиш тўғрисида келишувга эришилди.

## ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ДАВРА СУҲБАТИ

2019 йилнинг 12 декабрида Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида Марказий Осиёда одам савдосининг олдини олиш масаласига бағишланган минтақавий давра суҳбати бўлиб ўтди. ЕХХТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича координатори ҳамда махсус вакили бюроси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг транспорт, туризм соҳаларида фаолият юритувчи давлат агентликлари, авиакомпаниялар, миграция ва полиция хизматлари вакиллари иштирок этди.

Минтақавий давра суҳбатида одам савдосининг барча шаклларида туризм соҳасидан ниқоб сифатида фойдаланишнинг олдини олиш сиёсати ва чораларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди. Муаммонинг долзарблиги минтақага туристик йўналиш сифатидаги қизиқишнинг

ортиши ва ушбу соҳа юқори ривожланиш салоҳиятига эгаллиги билан изоҳланиб, айни пайтда бу одам савдоси ҳолатларининг содир бўлиш хавфини оширади ҳамда бундай хавфларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари: Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат туризм қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ вакиллари ўз чиқишларида давра суҳбати иштирокчиларини одам савдоси ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича 2018-2019 йилларда қабул қилинган дастурий ва қонун ҳужжатлари, шунингдек, давлат органлари томонидан одам савдосининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган аниқ амалий чоралар билан таништирдилар.

Давра суҳбати давомида туризм соҳасида одам савдосининг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.



## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ГРУЗИЯ ТАЖРИБАСИ

2019 йил 17-20 декабрь кунлари «БМТ низоми ва шартномавий органларининг тавсияларини амалга ошириш йўлида» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Тбилисида Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази вакиллари Грузиянинг мониторинг, ҳисобот бериш тажрибасини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги келгуси чора-тадбирларни ўрганиш мақсадида ўқув сафари бўлиб ўтди.

Марказ вакиллари Грузия Бош вазирининг Инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги масалалари бўйича маслаҳатчиси Лела Акиашвили ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши котибияти ходимлари билан учрашдилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича котибият – бу Грузия ҳукумати маъмуриятининг таркибий бўлинмаси бўлиб, у ижроия ҳокимиятининг инсон ҳуқуқлари бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди. Котибият давлат идораларини мувофиқлаштириш билан бир қаторда фуқаролик жамияти, илмий ва халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсатга доир ҳужжатларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлайди.

Ўзбекистон делегацияси иштирокчилари Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликла-

ри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолияти тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Л. Акиашвили ўз мамлакатининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида эришган ютуқлари ҳақида маълумот берди ҳамда Грузиядаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими билан таништирди. Ушбу мамлакатда 2014–2020 йилларга мўлжалланган Инсон ҳуқуқлари стратегияси ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича стратегия барча Грузия фуқароларининг кундалик ҳаётларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш концепциясига асосланади.

Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, ҳукумат маъмуриятининг сиёсатни режалаштириш ва мувофиқлаштириш тизимининг, Адлия вазирлигининг Халқаро судлардаги давлат вакиллигининг, Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тергов сифатини мониторинг қилиш бошқармасининг, Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро ҳуқуқ департаментининг халқаро шартномалар бошқармасининг, Ҳуқуқий масалалар, инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик интеграцияси қўмиталарининг, Грузия парламентининг Гендер тенглиги бўйича кенгашининг раҳбарлари ва ходимлари билан учрашди.

## САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ОМБУДСМАН

2019 йил 18-19 ноябрь кунлари Истанбулда «Самарали бошқарув тамойиллари ва Омбудсман» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 60 мамлакат вакиллари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили У.Мухаммадиев ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директорининг биринчи ўринбосари М.Тиллабаевдан иборат делегация иштирок этди.

Анжуманда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор тажрибалар алмашиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Туркия Республикаси Президенти Р.Т.Эрдоған, Туркия парламенти раиси М.Сзентоп, Туркия Кассация суди раиси И.Р.Чирит, Туркия Бош Омбудсмани Ш.Малкоч нутқ сўзлади.

Ўзбекистон делегацияси конференцияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий

институтлар фаолиятидаги ўзгаришлар ва мамлакатимизнинг бу соҳадаги халқаро ташаббуслари ҳақида маълумот берди.

Анжуман давомида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Туркиянинг Бош Омбудсмани Ш.Малкоч ва Туркия Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти раиси С.Арслан билан учрашдилар. Улар ИХТнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича олтинчи халқаро семинарининг юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик изҳор этдилар.

Конференция давомида Ўзбекистон делегацияси конференция иштирокчиларига “Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси” ва “ИХТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси”, “Ўзбекистон Республикасининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига номзод сифатида қатнашиш бўйича ихтиёрий мажбуриятлари ва ваъдалари” матнларини ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан ва Омбудсман томонидан нашр этилган ҳуқуқий нашрларни тақдим этди.

## ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ Тўғрисидаги ДЕКЛАРАЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲОКАМАСИДА ИШТИРОК ЭТИШДИ

Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг Инсон ҳуқуқлари декларацияси лойиҳасини муҳокама қилиш ва яқунлаш бўйича учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Тадбир Ислом ҳамкорлик ташкилоти котибияти ва ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича доимий комиссияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирнинг мақсади ИХТ котибияти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича доимий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган декларация матнининг якуний лойиҳасини тайёрлаш бўлди. Ҳужжат лойиҳаси ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2015 йилда бўлиб ўтган 42-сессиясининг қарорига мувофиқ тайёрланган.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари М.Тиллабаев, марказ директори ўринбосари Д.Муратова ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва маърифат бўлими раҳбари Ф.Хайитбоевдан иборат мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Учрашувни Бирлашган Араб Амирликлари Ташқи ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқлари бўйича департаменти директори, элчи Саид Ал-Этер олиб борди. Элчи ИХТга аъзо мамлакатларда мазкур халқаро ташкилотнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу механизмлар самарадорлигини оширишдаги роли тобора кучайиб бораётганини таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари декларацияси лойиҳасида халқаро меъёрлар ва исломий қадриятлар мужассамлашган. Янги ҳужжатда ислом динининг инсон ҳуқуқлари бўйича энг асосий тушунчалари мавжуд.

ИХТ Бош котибининг ўринбосари, элчи Таҳри Али Ваҳит ташкилотга аъзо давлатлар ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари декларациясининг асоси сифатида қабул қилинган Қоҳира декларациясида акс эттирилган инсон ҳуқуқлари бўйича

халқаро стандартларга қатъий риоя қилганлигига эътибор қаратди. Элчининг сўзларига кўра, янги декларацияни ишлаб чиқишда ИХТга аъзо мамлакатларнинг тажрибаси ва жамоавий истаги алоҳида ўрин тутди.

ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари декларацияси лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон, Покистон, Марокаш, Миср, Туркия, Саудия Арабистони, Фаластин, Мавритания, Қувайт, Қатар ва бошқа давлатлар вакиллари ўзларининг таклиф ва фикрларини билдирдилар.

Муҳокама натижалари бўйича яқунланган Декларация лойиҳаси маъқулланди ва у 2020 йилда ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши томонидан кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши учун юборилиши таъкидланди.

Мамлакатимиз вакиллари йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган таклифларидан бири – ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиш, ушбу лойиҳа бутун дунёда кенг муҳокама қилинаётгани ва 2018 йилда Самарқандда бўлиб ўтган инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми натижасида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясини 72-Бош Ассамблеянинг расмий ҳужжати мақомини олганлиги тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

2019 йил октябрь ойи бошида ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил доимий комиссияси Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари идораси билан биргаликда ёшлар ҳуқуқлари бўйича йирик халқаро конференцияни ўтказди. Ушбу нуфузли тадбир натижасида Ислом ҳамкорлик ташкилоти-га аъзо мамлакатлар томонидан Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинди. Ушбу маълумот йиғилиш иштирокчиларида катта кизиқиш уйғотди.

# DEMOCRATIZATION AND HUMAN RIGHTS

SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL MAGAZINE

1 (85) – 2020

## Editor-in-chief:

Akmal SAIDOV

## International Editorial Board:

Arslan ABASHIDZE  
(Russian Federation)

Alexei AVTONOMOV  
(Russian Federation)

William BUTTLER  
(USA)

Tadeusz BODIO  
(Poland)

Rolf KNIPER  
(Germany)

Didier MAUS  
(France)

Andrzej CHODUBSKI  
(Poland)

Peter JUZA  
(Slovak Republic)

## Editorial Board:

Tanzila NARBAEVA  
Kudratilla RAFIKOV  
Ubaydulla MINGBAEV  
Ulugbek MUHAMMADIEV

## Deputy Editor-in-chief:

Erkin ERNAZAROV

## Executive Secretary:

Sevara ISHMURATOVA

## FROM EDITORIAL BOARD

Strategy for upgrading and progress ..... 66

## FROM STRONG STATE TO STRONG CIVIL SOCIETY

**Jamoliddin Akhmedov.** Evidence requirements and evaluation principles in civil cases ..... 68

## UZBEKISTAN AND THE WORLD

**Mirzatillo Tillabae.** Combat Human Trafficking: international standards and practice of Uzbekistan ..... 71

**Firuza Khamdamova.** Prospects for the development of international cooperation of the Republic of Uzbekistan in the field of ensuring and protecting the rights of women ..... 74

## CLIMATE CHANGE AND HUMAN RIGHTS

**Akmal Saidov.** Protecting environment and climate change: a human rights perspective ..... 78

**Robiya Arslonova.** Climate change... Greatest challenges of human rights ..... 80

## FOREIGN EXPERIENCE

**Kishore Singh.** The right to education: regional and global panorama ..... 85

**Nodira Alimova.** Social justice as an asset in islamic finance system ..... 90

## LEGAL ASPECTS OF INTERNATIONAL BEST PRACTICES

**Nilufar Nodirkhanova.** In the fight against corruption in the banking and financial sector ..... 96

**Aziz Mullaev.** Central Asia: cultural networks and dialogues on the silk road ..... 100

## REPORT

The National centre of the Republic of Uzbekistan for Human Rights – in 2019 ..... 103

**CONFERENCES. SEMINARS, PRESENTATIONS** ..... 108

## FOUNDER:



NATIONAL CENTRE  
OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN FOR  
HUMAN RIGHTS

## CO-FOUNDERS:



FEDERATION  
OF TRADE UNIONS  
OF UZBEKISTAN



OMBUDSMAN  
OF THE REPUBLIC  
OF UZBEKISTAN

---

---

FROM EDITORIAL BOARD

## STRATEGY FOR UPGRADING AND PROGRESS

The Address by the President of the Republic of Uzbekistan H.E. Mr. Sh. Mirziyoyev to the Oliy Majlis this year, according to the unanimous opinion of not only our citizens, but also many authoritative world experts, has become the most important, large-scale and open. It outlined the specific stages of the state development strategy of the country from the moment of gaining independence, the results achieved, plans not only for the coming year, but also for the next five years as a whole.

As the head of our state stressed, **“We have set such a high goal as building a new Uzbekistan together with our people”**. At the same time, the initiator of these creative reforms is the society itself. As a result, in 2019, the economic growth rate in Uzbekistan reached 5.6 percent, which is almost twice the global average.

Leading industries are implementing programs to modernize and improve their competitiveness. In agriculture, measures are being taken to increase the interest of farmers and peasants, introduce advanced technologies and switch to a cluster production system. As a result of reforms last year, 93 thousand new business entities were created, which is almost 2 times more than in 2018.

Within the framework of the “Obod Qishloq” (Prosperous village) and “Obod Mahalla” (Prosperous community) projects, large-scale works have been carried out on the construction and improvement of villages and urban makhallas.

The most important thing in the ongoing reforms in the country is the creation of all conditions for a prosperous life of our people. However, to achieve these goals there is still a long and difficult path. For this, it is necessary to carry out accelerated reforms in all areas, relying on science, education and innovation.

Therefore, at the suggestion of our President, 2020 in Uzbekistan was called the **“Year of the development of science, education and the digital economy”**. For the first time in our country, a system of preparing children for school from 6 years of age will be introduced, the level of coverage of children with preschool education will reach 60 percent. Presidential and Creative schools for talented students, special schools with a deep study of information technology, mathematics, physics, astronomy and biology were created. A completely new system of vocational education is being introduced; 340 professional schools, 147 colleges and 143 technical schools will be organized for this purpose. A national system of qualifications is being developed, which will allow training personnel in almost 9 thousand specialties.

The coverage of school graduates with higher education will be increased to 25 percent in 2020 and to 50-60 percent in the future. Two times will increase the proportion of state grants going to universities, private grants are allocated for girls.

In 2020, state funding for science will be quadrupled, in addition, it is planned to attract soft loans from foreign organizations, as well as private sector funds. Measures are being taken to broadly develop basic and applied research in such fields as mathematics and chemistry, biology and geology.

In 2020, the task was set to make a radical turn in the development of the digital economy. First of all, it is planned to fully digitalize the spheres of construction, energy, agriculture and water management, transport, geology, cadastre, health, education, archival.

Large-scale social reforms will be continued to radically improve the life of the people, which over

the past three years have been carried out on the basis of the principle **“Human interests are above all”**.

The President’s Address emphasizes that “... life requires us to take another important step in ensuring human rights and improving citizenship legislation.” This step, in particular, should be that those who arrived in the republic before 1995 and since then have been living in the country should automatically become citizens of Uzbekistan. Thereby, almost 50 thousand compatriots will be able to resolve their long-standing unaddressed problem of citizenship.

